

СУХБАТ

Академик Абдулла АЪЗАМОВ:

“ИЛМГА АСОСЛАНИБ ИШГА КИРИШМОҚ КЕРАК”

– Бу суҳбат айнан “Jadid” газетаси мухлисларининг илтимосига кўра ташкил этилмоқда. Бунга икки ой муқаддам газетанинг солнома китоби тақдиротида табиий ва аниқ фанлар, IT технологиялари ва сунъий интеллект ривожига ҳақида сўзлаганингиз, миллат ойдинларини, ёшларни бу илмларни эгаллашга ундаганингиз кўпчиликда қизиқиш уйғотгани туртки берди.

– Ҳа, шундай бўлган эди. Аслида мен ўшанда “Ҳазрат Навоий – замондошимиз” мавзусида чорак соатлик чиқиш тайёрлаган эдим. Бироқ... замоннинг шиддати шу қадар жадалки, бир соат ичидаёқ оламда ахборот маконини ағдар-тўнтар қиладиган воқеалар юз бермоқда. Тадбир арафасининг тунида, кексаларга хос уйқусизлик сабаб интернетни титкилаган эдим, Флорида штатидаги Вест-Пойнт базасида Илон Маскнинг Америка ҳарбий академияси ректори билан бўлган суҳбатига дуч келдим. Суҳбатда академия устозларию тингловчилар ҳозир эди. Унда бугунги дунёнинг энг номдор технологи энг қудратли ҳарбий салоҳият намояндаларига келажак урушлари қандай бўлиши ҳақида ўзининг башоратларини сўзлар, ҳарбийларни шунга тайёр бўлишга даъват этар эди. Суҳбат тафаккуримни безовта қилди, чуқур ўйга толдирди. Ахир, ўзингиз мавзуга эътибор беринг: “Келажак урушлари қандай бўлиши керак?” Ё алҳазар, нахотки АҚШ ҳукуматида таъсирли лавозимга тайинланган буюк ихтирочи ва но-



ватор-тадбиркор ўзининг нодир истеъдодини дунёда тинчлик, халқлар ўртасида аҳилликни устувор қилиш ўрнига, келажак урушлари қандай бўлишига йўналтирса? Бироз алам ҳам қилди – сўнгги тўрт йил давомида университетлар учун “Дифференциал тенгламалар” курси бўйича дарслик ёзиб, унга Илон Маскнинг “Мотивация билан, нима учун кераклигини тушуни-тириб дарс ўтиш керак” деган сўзларини эпиграф қилиб олган эдим-да.

Ҳарбий академия ректори билан бўлган суҳбатда Илон Маск билдирган фикрларнинг маъзи шундай эди: бундан кейинги ҳарбий можароларда асосий “жангчи” сунъий интеллектга асосланган қуроллар бўлади. Уларнинг имконияти қудратда ҳам, аниқликда ҳам инсонга, яъни ҳарбийларга нисбатан бекиёс даражада юксак ва тезкорки, урушларнинг бориши мутлақ ўзгаради. Дарвоқе, биз ҳозирнинг ўзидаёқ бунга гувоҳ бўла бошладик.

Чамаси, кўз уйқуга илинган бўлса ҳам, туни билан бу мавзу онг остини банд қилган бўлса керак, юқоридаги китоб тақдиротида руҳий ҳолат ҳамда мажлис раисининг “Математикларга хос бўлсин” деган писандаси боис, тунги ўй-ташвишларимни имкон қадар лўнда ифода этишга тўғри келди.

(Давоми 2-3-саҳифаларда.) ➤

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

АЙБИН БИЛМАЙ КЕТГАН

ФУЗАЙЛ ШЕРАҲМЕДОВ

Ўтган асрнинг 20-йилларида Германияда таҳсил олган туркистонлик талабалар мавзуси кейинги вақтда кенг ёритилган. Бу изланишларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ушбу мавзудаги дастлабки илмий тадқиқотлар заҳматкаш олим Шерали Турдиевнинг “Улар Германияда ўқиган эдилар” китоби (1992 йили) да, марҳум устозларимиз – Беғали Қосимов, Наим Каримов, Бойбўта Дўстқораевнинг мақолаларида ўз ифодасини топингани адолат юзасидан таъкидлаш лозим. Шунингдек, 1998 йили “Ўзбекино” миллий агентлиги томонидан мақкур китоб асосида икки қисмдан иборат ҳужжатли фильм (сценарий муаллифи – Хайриддин Султон, режиссёр – Шуҳрат Маҳмудов) ҳам яратилган эди.



Эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолада ана шундай истеъдодли талабалардан бири ҳақида ҳикоя қилинади.

Фузайл Шераҳмедов 1908 йил 3 майда Тошкент шаҳридаги 2-Қорёғди маҳалласида, йирик савдогар бойлардан бири саналган Исроил Шераҳмедов хонадонидан дунёга келган. Онаси Рухсорахон замонасининг билимдон аёлларидан бўлиб, таниқли муаллим Икромхон домланинг қизи эди. Фузайл аввал жаҳид мактабда, сўнг Мунаввар қори Абдурашидхоннинг “Намуна” мактабда таҳсил олди.

Ҳужжатларга кўра, “Намуна”да бир неча юз бола ўқиган. Бу мактабда ўз даврининг энг

истеъдодли ёшлари дарс беришган. Уларнинг қўлида таълим олган ўқувчилар орасидан кейинчалик Ҳамза, Қайом Рамазон, Ойбек, Маннон Уйғур каби истеъдодли адиб ва санъаткорлар етишиб чиққан.

1922 йили юзлаб туркистонлик иқтидорли талабалар “Қўмак” жамияти орқали Берлин, Москва, Петербург, Боку, Ганжа шаҳарларига йўл олади. Улар асосан, Фитрат ва Файзулла Хўжаев ажратган Бухоро Халқ Республикаси сармоёси, “Қўмак” ташкилоти томонидан йиғилган пуллар ва айримлари ўз ота-оналари ҳисобидан йўлга чиқади.

(Давоми 7-саҳифада.) ➤

КЕЛАЖАК ОВОЗИ

БОЛАЛАР КОНТЕНТИНИ ЯРАТИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Ёш ижодкор Қобилжон ШЕРМАТОВ билан суҳбат

– Қобилжон, аввало, “Мард ўғлон” давлат мукофоти муборақ бўлсин! Тақдирлаш маросимида Президентимиз “Ёш авлодни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларга ахборот маконида фойдали, мазмунли маълумотларни етказиш ва тарғиб қилиш доим эътиборимиз марказида бўлиши зарур”, деган фикрни таъкидлаб ўтди. Шу мақсадда Болалар контен-

тини ривожлантириш маркази ташкил қилингани қайд этилди. Миллий контент яратишда эса болалар адабиёти вакиллари алоҳида ўрни бор. Шу маънода, болаларга ёзиш учун ижодкорда қандай сифатлар бўлиши керак? Ёки истеъдоднинг ўзи етарлими?

(Давоми 3-саҳифада.) ➤



20 ИЮЛЬ – КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ ТУФИЛГАН КҮН

ТАНДИРДА ТОБЛАНГАН ТОР

Яккахон ижрода торнинг ўрни бекиёс. “Шашмақом”дан тортиб, барча мумтоз кўшиқларимиз мусикаси ижросида тор саси алоҳида ажралиб туради. Шу боис, тор чолғуси ҳофизу гўянда, кўшиқчию хонанда аҳли танасининг бир бўлагига айланиб улгурган. Одатда, “умрида тор ушлаб кўрмаган” иборасининг ўзидан “юлдуз” ясаб олган отарчиларга нисбатан ишлатилиши ҳам унинг миллий кўшиқчилик санъатимиздаги ўрни, нуфузи нақадар юксак эканини кўрсатади.

Мусиқа чолғулари билан савдо қиладиган дўконда қаторлаштирилиб қўйилган торларнинг нархи билан кизикдим.

(Давоми 6-саҳифада.) ➤



БАТАН МАНЗУМАСИ

Эшқобил ШУКУР

ШОИР БИЛАН СУҲБАТ

Телефон дафтарим варақлай туриб,
Кўплаб рақамларга дуч келдим.. ногоҳ
Абдулла Орифнинг рақамин кўриб,
Кўзларим тубидан сизиб чиқди оҳ.

Лафзи буюк эди шеърда, дostonда,
Ҳар сўзи осмондан ерга тушган тош.
Мана, неча йилким Ўзбекистонда
“Унинг фироғида фиғон чекар Шош”.

Шоир бу дунёдан олис эса-да,
Телефон рақамин тердим басма-бас.
Менга рост, сизга-да ёлғон эса-да,
Телефондан келди ўша таниш сас.

Ҳаяжонга тўлиб “Ассалом!” дедим,
Ассалом, сўз ила шеърнинг устози.
Мен-ку бу дунёда вассалом эдим,
Кўнглимни уйғотди унинг овози.

“Ватан тинч-омонми, халқим омонми?..
Гўшақда оҳангдай янгради бу сас.
Унинг ҳар сўзида чақнаган шонни
Асрлар елкада кўтара олмас.

“Тилим безаволми, элим қутлугми?”
Ҳар сўздан титрарди гўшақ симлари.
Ўзбек туғиш учун бундай улугни
Ечиши шарт эди минг тилсимларни.

Мен ҳайратда эдим нарғи дунёдан
Янграб келар эди бу ўктам овоз,
Ҳар сўзида бир шайъ, бир шеър бунёдан
Абдулла Орифнинг шиддатига мос:

“Гоҳ бола, гоҳида бободир миллат
Гоҳ йўлдан ўтар у, гоҳо хатардан..
Ҳар не бўлганда ҳам етказмай иллат
Авайлаб ўтказинг светофордан”.

Бу мўъжиза эди, шу жонсиз симлар
Боғлаб турар эди икки дунёни.
Олис жаннатлардан келган насимлар
Файзга тўлдирарди оламорони.

Олисдан кўп азиз бир садо келар,
Жумлаларга жамлаб еру осмонни:
“Ишонинг, ҳаммаси жойида бўлар,
Қаттиқ севсангиз бас Ўзбекистонни!”

Билдимки, осмонга устун – муҳаббат,
Англадим, одамзот қайдан куч олар.
Ватанни севмоқнинг ўзи саодат,
Ватанини севган қудратли бўлар.

*Абдулла Орипов сатри.



Бошланиши 1-саҳифада.

Очиғи, ўшанда кўнглимдағи фикрларнинг бир қисмигина тилга кўчди, холос.

Бугунги шиддатли ахборот асрида газе-тадай кўҳна восита нима демоқчи бўлсанг, ҳаммасини батафсил баён этишга имкон беради. Сўхбатга таклиф учун раҳмат.

– **Чиндан ҳам, бу борада газетанинг ўрнини ҳеч бир интернет саҳифаси боса олмайди. Имкониятдан фойдаланиб, бу борадағи фикрларингизни биз билан ба-ҳам кўрсангиз.**

– Бугун дунё харитасига боқсак, тарақ-қиёт пойгасида табиий ресурсларга бой давлатлар эмас, айнан илмий-техника соҳа-си ривожланган давлатлар пешқадам экан-ини кўрамиз. Кошки, улар ўзларининг бу натижаларидан тинчлик ва ўзаро манфаат-ли ҳамкорлик йўлида фойдаланса, йўқ, ак-синча, уларнинг энг қудратлилари ўз таъсир доирасини кенгайтириш, дунё бозорларини қайта тақсимлаб олиш, геосиёсат маркази бўлиш, қарз эвазига ҳудудларни эгаллаш, бир сўз билан айтганда, суперҳоқонлик ид-

яшашларига ҳеч бир монелик йўқ эди.

– **Нима сабабдан улар осойишта ҳаёт-дан воз кечиб, даставвал маблаг ва мулкларини, кейинроқ мартабаларини, энг охирида ҳаётларини бу йўлга тик-кан? Сиз бу борада қандай хулосага кел-гансиз?**

– Аслан жадидлик тағида таълимнинг шакли эмас, мазмуни ётади. Беҳбудийнинг ўрнига ўзимизни қўйиб кўрайлик-да, шун-дай савол қўяйлик: 1910 йилларда Европа гимназия ва лицейларида, айниқса, уни-верситетларида таълим дастури қандай эди-ю, бизнинг таълим муассасаларимиз-да қандай бўлган? Бирор тадқиқотчи бун-и ўрганса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу нарса аниқки, бизда математика, ҳатто, Му-ҳаммад Хоразмий алгебрасини ўқитиш ҳам унутилган эди ўша вақтларда. Беруний ва

воситасида исталган пайтда уларни ишдан чиқариш, дастурлаштирилган автомобиль, учоқлар ва банкларга тажовуз имкониятла-ри нақадар хавфли. Қолаверса, булар ҳам-маси – бугунги аҳвол, эртага бу борада қан-дай “иختиро”лар қилинади, уларни қандай ниятли кучлар бошқаради, оқибати нима бўлади – тасаввур ожиз.

Бундай хавфу хатар долзарб бўлмаган тақдирда ҳам шуни унутмаслик лозимки, бренд даражасида сотилган биргина икти-ро келтирадиган фойда анча-мунча мамла-катнинг бир йиллик бюджетидан каттароқ бўлиши мумкин. Масалан, APPLE компа-ниясининг 2024 йилдаги даромади 400 мил-лиард доллар атрофида бўлди. Бироз кул-ғили бўлса ҳам яна бир мисол: АҚШлик Мария Donovan деган хоним ихтиро қилган сувшимар таглик (памперс) ҳозиргача бу мамлакатга триллион долларга яқин фойда келтирди.

Ҳар қандай маҳсулот ёки технология ян-гиланар экан, у жуда катта қўшимча қиймат билан сотилиши табиий. Шунинг учун ҳа-рид қилувчилар йил сайин кўпроқ маблаг сарфлашга мажбур бўлади. Бу айниқса, инфор-мацион технологиялар бозорига яқ-қол кўзга ташланади. Компьютер ва мобил телефонларнинг авлодлари жуда тез янги-ланмоқда.

– **Мана шундай муҳитда бугунги жа-дидлар деб қилларни айтиш мумкин?**

– Ихтиро қилишга интилаётган, қилган ихтиросига патент олиш учун курашаёт-ган, ихтиросини амалиётга жорий қилиб, янги маҳсулот ишлаб чиқаришга инти-лаётган ва уларни экспорт қилиб, “ўзбек бренди”ни дунёга олиб чиқишни ният қи-лаётганлар – жадидлардир. Миллатга ўз-ли-гини англатишни, юрт ёшларини илм-хунар эгаллашга даъват қилишни, Ватанга яхшилик соғинишни касб қилганлар – жадидлар. Мен бошқача бўлишини тасаввур этолмайман.

– **Айнан шундай. Фақат жавобдан оз-гина ажабланган жойим бўлди. Нега энди ихтирога патент олиш учун кура-шиш керак?**

– Ҳамма гап шунда-да. Бир пайтлар фа-қат ихтирога патент, кашфиётга гувоҳнома бериш билан шугўлланадиган бюро бўлган. 2011 йили Интеллектуал мулк агентлиги тузилиб, техник ихтироларни патентлаш, мусиқа асарларига ва бошқа ихидий маҳсу-лотларга муаллифлик гувоҳномаси бериш ҳам ана шу идора зиммасига юкланди. Са-баби аён – у ҳам янгилик, бу ҳам янгилик, ҳар ихкиси ҳам ижод маҳсули. Аммо биз-нинг шароитда энг эзгу ишнинг ҳам авра-астарини ағдарिश одатий ҳол. Ўзингиз та-саввур қилиб кўринг – қўшиққа муаллифлик гувоҳномаси оладиган отарчиға муносабат қаёқда-ю, ўз ёнидан пул сарфлаб ихтирони амалга оширган ва бир кучоқ ҳужжат ҳозир-лаган муҳандис ёки илмий ҳодимға муома-ла қаёқда? Артистлар учун бу иш хамирдан қил сугургандай осон кечмоқда, ихтирочи-лар эса...

Йиллаб овора бўлган ва бўлаётган их-тирочилар бор. Бир пайтлар патентчилар ихтиронинг қай даражада янгилигини маҳ-сус бюллетенларни титиб аниқлашар ва бу анча вақт талаб этар эди. Ҳолбуки, биз ҳо-зир ахборот инқилоби даврида яшяяпмиз. Хўш, нега ҳалигача ихтирони экспертиза-дан ўтказиш ойнаб вақт талаб этяпти? Бу ҳолат тушунарсиз.

Эҳтилом шунинг учун ҳам аҳоли жон бо-шига патентлар сони бўйича мамлакатимиз паст ўринда, уларни жорий этиш бўйича эса яна ҳам куйроқдадир.

Мамлакатимизда ихтирочилар кўп, икти-мой тармоқларда энергия тежамли бетон-қорғич, янги қурилиш материали, оригинал қишлоқ ҳўжалиги агрегати ва ҳоказоларни яратяётган ҳамюртларимиз ҳақида хабар-лар тез-тез чиқиб туради. Аммо ҳозирга-ча бирор юртошимизнинг янги ихтироси оммавий ишлаб чиқарила бошланган, дунё миқёсида шов-шув бўлганини эшитмадик.

Нега? Қачонгача?

Ихтирочилик ҳаракати иқтисодий тарақ-қиётнинг локомотиви бўлиши учун па-тент бюроси қайта тикланиши мақсадга мувофиқ. Мухими, у патент хизмати кўрсата-диган, иш услуби моҳиятан бюрократик идо-радан фарқ қиладиган, қаерда ихтирочи бор бўлса, излаб топадиган, нафақат ихтиронинг янгилигини экспертизадан ўтказиб гувоҳно-ма берадиган, балки уларни жорий қилиниши учун масъул идора сифатида ўзи елиб-югу-радиган объектга айлантирилиши керак.

– **Бунга нима ҳалақит беряпти?**

– Ким билсин. Балки патент бюросининг бюджетини асосан ишлаб чиқаришдан то-пиладиган даромаддан олинадиган улуш эвазига шакллантириш усулини жорий этиш керақдир. Шунда патентшунослар айнан са-марадор ихтироларни тезроқ патентлашдан манфаатдор бўлади. Бунинг учун Патент бюроси ихтиёрида лойиҳалаштириш ин-ститути ва тажриба-конструкторлик корхо-наси бўлиши ҳам керак. Дарвоқе, ихтирога ҳаммуаллифлик иддаосини қилмасликлари учун Патент бюроси ходимларига ихтирочи-лик билан шугўлланиш ман этилиши керак. Бу идора айни пайтда ихтирочиларни ишлаб чиқарувчилар билан боғловчи вазифасини ўташи лозим. Янги ихтиро қилинган ишлан-малар ва маҳсулотлар (хизматлар, техноло-гиялар)нинг доимий кўرғазмаси юритилиши, йилда бир марта ярмаркаси ташкил этили-ши ҳам айни мўлдоо бўлар эди.

– **Устоз, Сизни айримлар адабиётшу-нос, бошқалар эса математик олим си-фатида танийди. Ихтирочилик борасида, унинг муаммолари ҳақида бунчалик пух-та тасаввурга эгалигингиздан ҳаёлимга шу савол келди: ўзингиз ҳам ихтирочи-лик муаммолари билан тўқнаш келган-мисиз?**

– Ярага туз сепдингиз. Камина соф наза-риётчи аҳли илмға мансубман. Айни пайт-да математиканинг ихтирочиликка тута-шадиган нуқталари ҳам йўқ эмас. “Мёбиус япроғи” деб аталадиган геометрик сиртдан ҳар икки томони кўмпли силлиқлаш лентаси ясалган. XIX асрда С.Блэк “Ўн беш” ўйинини ихтиро қилган. У ўз даврида венгер ихтиро-чиси Эрнэ Рубик ўйлаб топган “кубик-рубик” ўйинидан ҳам машҳурроқ бўлган. Ҳатто, газеталарда “15” ўйинига берилиб кетган машинист поездни бошқаришни унутиб, унинг ҳалокатиға сабаб бўлгани ҳақида ҳам ёзишган. Рубик кубчаси оммалашиб кетгач, унинг патентини сотиб олиш ҳам қиммат-лашиб кетган. Ҳолбуки, оддийгина ўйинчоқ Венгрияға шухрат ва миллиардлаб даромад келтира бошлаган эди. Шунда собиқ Итти-фоқ ва Венгрия ҳукуматлари бошқотирғич айирбошлашға келишган. 1989 йили “Ком-сомольская правда” газетаси бошқотирғич-лар танловини эълон қилди. Камина “Доде-каэдр” деган математик бошқотирғич билан унда иштирок этиб, ғолиблардан бири бўл-дим. Янгиликларни ишлаб чиқаришға жорий қилиш совет иқтисодиётида қийин иш эди. Ўнта ихтиромнинг бирортаси ишлаб чиқа-рилмади. Мен янги бошқотирғичларни ўй-лаб топишда давом этдим. Улардан бириға патент олишға уриниб кўрилди, қанча вақт Бешёғочда жойлашган патентлар кутубхо-насида ихтиронинг янгилигини асослашға сарф бўлди. Аммо уринишларим зое кетди. Ариза бир қанча ҳужжатлар илова қилиниб, Москвадаги патент бюросига почта орқали жўнатилар эди. Аризалар бирда униса кам, бирда буниси етишмайди, деган ваз билан қайтарилди. Бу орада СССР пароканда бўлди, мустақил Ўзбекистоннинг ўз патент бюроси тузилди. Афсуски, у собиқ Иттифоқ бюросининг иш услубини айнан кўчириб ол-ган эди. 2000 йилларда Ўзбекистонда хиз-мат кўрсатган ихтирочи С.Исмайтўжаев бир ихтиросини математик асослаш масаласи билан мурожаат қилди. Иссиқлик электрос-танциялари самарадорлигини оширишға қаратилган бир ихтиро учун у киши билан бирға патент олишға муваффақ бўлинди, аммо яна бир шундай ихтиро учун берилган ариза бир йилдан кўпроқ сарсон қилинди. Ҳолбуки, у амалиётға жорий этилиб, сама-ра бера бошлаган эди. Лабораториямизда иссиқлик алмашув жараёнлари соҳасига қизиқиб, яна бир принципаал янги ихтиро ғоясига патент олмақчи бўлдим. Унинг асо-сий қисмларидан бири мураккаб геометрик тузилишға эга эди. Патентға ариза бериш учун унинг чизмасини, ишлаш принципини асослаш учун реал макетини тайёрлаш ло-зим эди. Чизмаларни-ку компьютерда ясаш имконияти туғилган, аммо макет-чи? Кар-тондан макет ясалди, аммо бирор токаръ уни металда ясаб бера олмади. Хуллас, бу хоббини йиғиштиришға тўғри келди. Энди тасаввур қилинг, чекка қишлоқда яшайдиган ҳаваскор самарали қишлоқ ҳўжалиги тех-никаси бўйича ихтиро қилди, дейлик. Хўш, у қаерға боради?

Америка Қўшма Штатларининг қудрати ҳам, шухрати ҳам асосан ихтирочилик учун максимал қулай муҳит яратилганида деб ўйлайман. Бугун шундай муҳит Хитойда

ҳам мавжуд, шу сабабли дунё бозорларини “Made in China” тамғали маҳсулотлар босиб кетди.

Бейхтиёр қиёслайсан: бизда-чи? Қайси ўзбек ихтирочисининг янгилиги товарға ай-лантирилиб, дунё бозорига чиқарилди?

Бундан 15 йилча аввал водийлик бир ўс-мир кўлбола дрон (квадрокоптер) ясаб учир-гани ҳақида хабар тарқалган эди. Дрон бош-қарилмайдиган бўлгани учун қўшни давлат ҳудудига кўнган. Иктимой тармоқлардағи муҳокамаларға кўра, йиғитчаға маъмурий чора кўрилган. Албатта, дрон яшаш янгилик эмас. Аммо у йиғитчада ихтирочиликка мо-йиллик ва иқтидор бўлган. Агар у кўллаб-қувватланганида, балки кейинчалик бошқа-риладиган дрон ясаган бўлармиди...

Ахир, Сергей Королёв ҳам бош констрек-тор бўлиб дунёға келмаган, илк фаолиятини оддий фанердан кўлбола учми соҳасиға ясашдан бошлаган. Туркиялик ака-ука Ха-лук ва Салжук Байроқдорлар ҳам шундай йўлни босиб ўтишган.

– **Сизнингча, бугун иқтисодиётимиз учун энг долзарб ихтирочилик соҳаси қайси?**

– Яхши савол. Мамлакатимиз иқтисодиё-тида пахта ҳомашёсини тайёр маҳсулотға айлантириш салмоқли ўрин эгаллаши маъ-лум. Ўзоқ йиллар давомида Ўзбекистон пах-та толасини экспорт қилиб келди. Бу – меҳ-натни деҳқон қилиб, фойдасини хориқлик фабрикентлар кўради, дегани эди. Ўзбе-кистон Президенти Шавкат Мирзиёев эса пахта толасини имкон қадар чуқурроқ қайта ишлаш, тайёр маҳсулотға айлантириб, сўнг сотиш сиёсатиға катта эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз экспортда тайёр кийим-ке-чак улуши ортиб бораётгани қувонарли. Бу борада яна бир муҳим масала кун тарти-бига чиқмоқда. У ҳам бўлса, пахтани қайта ишлаш – толани чигитдан ажратувчи, ип йиғирувчи, газлама тўқувчи ва охириги бос-қичда тикувчи асбоб-ускуналар ишлаб чи-қаришдир. Ҳозиргача улар асосан хориждан сотиб олинмоқда. Ҳолбуки, ҳар қандай даст-гоҳ вақт ўтиши билан эскиради. Ҳам техник жиҳатдан, ҳам “маънавий” жиҳатдан. Шу маънодаки, аввал сотиб олинган техника ўз ўрнини янгисига, самаралироқ, энергияте-жамкорроқ, компьютерлашган (яқин йиллар ичида эса сунъий интеллект бошқарадиган) янги авлодларига бўшатиб беради. Бу ҳоди-сани юқорида инфор-мацион технологиялар мисолида ҳам айтиб ўтдим. Дастохларнинг янги авлоди аввалгисидан анча қиммат бў-лиши, пахта ҳомашёсининг нархи эса жуда секин ўсиши соҳасиға олинса, пахтачиликдан келадиган даромад йил сайин пасайиб бо-ради, деган хулоса чиқади. Шундай экан, пахтани тайёр маҳсулотға айлантирадиган ускуналардан камда бир-икки турини ўзи-мизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Фақат бу билан чекланмай, ана шундай ус-куналарни мунтазам янгилаб боришни таъ-минлайдиган технология яратилиши ҳам ни-ҳоятда долзарб. Бунинг узвий схемаси яхши маълум: илмий-тадқиқот институти – их-ти-рочилик ва рационализация маркази – таж-риба-конструкторлик бюроси – синаб кўриш нухасини ясайдиган устакхона – завод.

Бундан ташқари, инновацияларни ҳар то-монлама кўллаб-қувватлаш ва рағбатлан-тириш тизими ҳам яратилиши керак.

АҚШ иқтисодиётининг юкаслиги айнан пахтадан бошланганини эслаш ўринли. Ўша даврларда (бизда XIX аср охириларига) пахтанинг толаси чигитдан кўлда ажратил-ган. Тасаввур қилинга-а, миллионлаб тонна пахтани шу тариқа толға айлантиришнинг ўзи бўладими? 1793 йилда Эли Уитни пахта тозаловчи “жин-машина” ихтиро қиладди. Шу туфайли толанинг таннархи кескин арзон-лашиб, АҚШ пахта бозорига бошқа давлат-ларни синдиради.

– **Юртимизда ихтирочиликни ривож-лантириш борасида қайсидир ташкилот-ларға ўз таклифларингизни берганми-сиз?**

– Йиғирма йилча бурун бир қадрдоним олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими со-ҳасида раҳбарликка тайинланди. Қўтлагани бордим. Сўхбат асносида “таклифларингиз бўлса, айтинг”, деди. “Қани энди, касб-хунар коллежлари ва техника олий ўқу юртиларида оммавий ихтирочилик ҳаракати бошланса”, деб ишни ҳар йили ўрта маҳсус ва олий таъ-лим муассасаларининг талабалари ўртасида “Ёш ихтирочиларнинг республика кўрик-кўр-ғазмаси”ни ўтказишдан бошлашни таклиф қилдим. У маъқул топди. Кўрик бир марта ўт-казилди ҳам. Аммо неғадир давом эттирилиб, ҳу-кумат миқёсига олиб чиқилганда, ҳозиргача муҳит ўзгарган бўлармиди.

– **Бундай муҳитни яратиш учун энди нималар қилиш керак?**

– Биринчи навбатда “ҳечдан кўра кеч” де-ганларидек, мазкур кўрик-кўрғазма-танловни тиклаш, ҳатто уни ихтиролар аукцион дара-



даоси йўлидан бораётгани ташвишли.

– **Бу ҳол барчани ташвишлантирмоқ-да. Мана шундай шароитда мамлакатим-из оидинлари қандай йўл тутишлари лозим?**

– Юз фоиз аминманки, буюк бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий йўлини тутган одам ютади. Бу йўл ўз даврида жадидлик, Беҳ-будийнинг издошлари эса жадидлар (му-жадидлар) деб аталган. Афсуски, юртни, элнинг тафаккурини янгилашға интилган жадидлар “раҳмат” ўрниға “қадимчи”лар деган муҳолифатға дуч келган, ҳатто бир жадидға юзлаб “қадимчи” тўғри келган. Жа-дидлар улар томонидан таъйиқ, ҳақорат ва қатагонларға учраган.

“Жадид” сўзининг луғавий маънолари – янги, яқинда пайдо бўлган, замонавий, сўнгги русумдаги, одат тусига қирмаган, анъанаға тескари. Замонавий ибора билан айтганда, новаторлик, инновация дегандир.

– **Юртимизда XX аср бошларидаги жа-дидлик ҳаракати нимадан бошланган? Қандай зарурат бунга туртки берган, деб ўйлайсиз?**

– Таълимни янгилаш учун ҳаракатдан бошланган. Сиртдан олиб қараганда, эски мактабларда турли ёшдаги болалар ара-лаш, бўйрада ўтириб ўқишган, мадрасалар-дағи таълим усули ҳам ундан йироқ бўлма-ган, жадидлар эса ўқувчиларнинг парта ва ёзув тахтаси билан жиҳозланган синфхона-ларда сабоқ ўтиши тарафдори бўлишган. Аммо бу жадидликнинг сиртки жиҳати эди, холос. Қадимчиларнинг қаршилигига учра-ган асосий жиҳат – таълим мазмунини ян-гилаш бўлган. Беҳбудий Туркияға сафари чоғида усмонлиларнинг илғор оидинлари билан суҳбатлашиб, бу мамлакатта энди-гина таъсир ўтказа бошлаган Европа мак-таблари ва университетларидағи таълим тизими билан танишган. Ўзимизни буюк бо-бомизнинг ўрниға қўйиб кўрайлик: бир ёқда алгебра у ёқда турсин, ҳатто арифметика ҳам ёлчитиб ўқитилмаётган таълим, иккин-чи томонда эса математик физика, орга-ник моддалар синтези, генетика ва ҳоказо. Оқибатда, бу ёқда уловли ёғоч аравалар, у ёқда автомобиллар ва электр чиқроқлари. Бу фарқни бир сўз билан “даҳшатли” деб ифодалаш тўғри бўлади.

Миллат тақдирига бефарқ, худбин одам-лар бунга парво ҳам қилмас эди. Аммо жадид боболаримиз буюк миллатпарвар эдиларки, жамиятни тараққиёт сари юзлан-тириш ҳаракатини бошлаганлар, бу борада улкан натижаларға эришганлар ҳам (бирги-на ўзбек матбуотиға асос солганлари учун уларни то қиёматгача алқашға бурчлимиз), алалоқибат бу йўлда жонларини қурбон қилдилар.

Аслида, жадидлик ҳаракати раҳнамо-ларининг барчаси жамиятда обрў-эъти-борға эга, ўзига тўқ ва ҳатто, кўпчилиги бой-бадавлат инсонлар эди. Ҳаётнинг жамики нозу неъматларидан роҳатланиб

Улғубеклар давридағи сферик тригономет-рияни тилга олмаса ҳам бўлади. Худди шу даврда Германия университетларида янги физика, кимё, физиология каби фанлар Но-бель мукофоти соҳиблари томонидан ўқи-тилаётган эди.

Мухими, Ғарбда таълим жамиятдағи ил-мий-техника тараққиётининг локомотивиға айланган, шу туфайли ички ёнув двигате-ларини жорий этиш, электрлаштириш каби муъжиза бўлиб туюладиган янгиликлар ҳаёт тарзини кескин ўзгартириб юбораётган, биз-да эса ҳолат эскилигича қолаётганди. Ана шу фарқни англаган, бутун фитрати билан миллатпарвар бўлган жадидлар тараққи-парварға айланишди. Бугун энди уларнинг таълимоти ҳам, кураши ҳам, аччиқ тақди-ри ҳам барчаға яхши маълум. Бу нарсалар “Jadid” газетаси саҳифаларида батафсил ёритилмоқда. Ҳар томонлама хайрли бўл-ган бу ишни давом эттириш керак, албатта.

Айни пайтда, агар жадид боболаримиз тирик бўлишганида, қандай йўл тутган бў-лар эдилар, деган саволни кўтариш вақти аллақачон етган.

– **Бугун замон ўзгача демоқчисиз, ше-килли?**

– Худди шундай. Жадид боболаримиз даврида таълим соҳасида биздағи ва Ев-ропадағи фарқ нақадар катта бўлса, бугун илмий-техник тараққиёт ва инновациялар жадаллигидағи фарқ ҳам ундан кам эмас. Сиртдан қараганда, бу борада ҳам ривож-ланиш қониқарли, ташвишға ҳожат йўқдай туюлади. Қаерға қараманг, ҳамма ерда янги маҳсулотлар, янги техника ва техно-логиялар жорий этилмоқда. Шу жумладан, сунъий интеллект воситаларини ўрганиш ва фойдаланиш борасида ҳам. Аммо масала-нинг мағзи – қай тарзда деган саволда. 99,9 фоиз ҳолда сотиб олиш ёки ўзлаштириш эвазига. Атрофимизға бир назар таштайлик. Учоқлар, чархучарлар, радиолокация, геолокация, автомобиллар, электротехника, электроника ва электрозэнергетика жиҳоз-лари, советикчлар, телевизорлар, телефо-н, компьютер, қисқа тўлқинли электр-учоқлар, қурилиш асбоб-ускуналари ва материалла-рининг деярли ҳаммаси Ғарб мамлакатла-рида, асосан АҚШда ўйлаб топилган. Ҳатто автомобилни ёмғир ёққанда ҳам ҳайдашға имкон берувчи “дереза фаррошлари”ни Мэри Андерсон деган АҚШлик аёл ўйлаб топган. Бу мамлакатда от ўрниға двигатель қўшилган аравадан то сунъий интеллект билан қуроллантирилган автогача минглаб ихтиро жорий қилинган.

Компьютер ва коммуникация технология-лари соҳаларида ҳам шу ахвол. Айрим су-пердавлатлар бу соҳаларда жаҳон бозори-ни эгаллаб олгани уларға улкан иқтисодий фойда келтиришдан ташқари, геосиёсий ус-тунлик ҳам бермоқда. Интернетлашган бу-гунги дунёда миқозға сездирмасдан унинг хос маълумотларини ўғирлаш, компьютер-ларға вирус юқитиш ёки маҳсус дастур



“Умуман китоб ўқимайдиган меҳнаткашдан кўра, китоб ўқийдиган дангаса билан ишлаган яхшироқ. Чунки у доим қийин топшириқларға осон ечим топади.

Билл ГЕЙТС





КИРИШМОҚ КЕРАК“

жасига олиб чиқиш айна муддао бўлади. Сўнг ёшлар орасида илмий-техник тафаккур шаклланишига эътиборни кучайтириш керак. Бир пайтлар америкалик ёшларнинг маъбудлари Мэрилин Монро каби киноюлдузлар, Элвис Пресли каби эстрада юлдузлари, машхур баскетболчи ва бейсболчилар бўлган. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Томас Эдисон, ака-ука Райтлар ҳам машхурликда улардан қолишмаган. Ахборот технологиялари инқилоби бошланиши билан Билл Гейтс (Microsoft), Стив Жобс (Apple), Ларри Пейж ва Сергей Брин (Google), Марк Цукерберг (Facebook) каби инновация даргалари америкалик ёшлар учун йўлчи юлдузга айланди.

Бугун АҚШлик ёшлар ўртасида машхурликда ҳеч бир юлдуз Илон Маскнинг яқинига ҳам йўлай олмайди. YouTube каналида Илон Маскнинг янги махсулотлари тақдироти ёки сунъий интеллект ҳақидаги суҳбатлари залда ўн минг-

униб-ўсади. У ҳосилга кирганида эса мамлакат шухратини юзлаб йиллар давомида оламга ёяди. Юртимизнинг тараққий қилган давлатлар сафига қўшилишида ўта муҳим роль ўйнайди.

Бу борада “Jadid” газетасига бир таклифим бор: тахририят жадид боболаримиз фаолиятини ёритишга бир саҳифа ажратса, бугунги жадидлик, яъни ихтирочилик ва инновацияларга икки саҳифа ўрин ажратиши керак. Шунда маърифатпарвар аждодларимизнинг ҳам руҳи шод бўлади.

Қани энди, ҳар йили мустақиллик байрами арафасида мукофотланадиганлар қаторида ўз ихтироси билан танилган ихтирочилар, новаторлар-сони санъаткорларникидан кам бўлмаса. Қани энди, ҳар йили мамлакат ихтирочилари анжумани ўтказилиб, улардан энг муносиблари шараф шохсупасига кўтарилса... Орузга айб йўқ.



лаб томошабинни ййғади, ижтимоий тармоқлардаги кузатувлар сони эса юз миллиондан ошади. Дарвоқе, йигирманич асрда дунёда энг машхур собиқ Иттифок фуқароси ҳам айнан ихтирочи М.Калашников бўлган. Бугун ҳам Россия айнан ҳарбий ихтирочи-муҳандислари билан қудратли бўлиб турибди.

Яна бир муаммо – ёшларнинг илмий-техник тафаккурини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг лоқайд бўлиб келаётгани. Бир замонлар “Ёш техник”, “Қуч – билимда”, “Фан ва турмуш”, “Рулда”, “Техника”, “Электроника”, “Ёш натуралист”, “Квант” деган журналлар миллионлаб нусхаларда нашр этилган, марказий телевидениеда ихтирочилик ва илмий-техникани тарғиб қилувчи дастурлар анча оммалашган эди. Уларни ўқиган, кўрган ўқувчиларнинг катта қисми техникага шайдо бўлар, ниманидир ўз қўли билан ясаш иштиёқига тушар эди. Бу эса бўлгуси муҳандис, ихтирочилар учун дастлабки зарурий қадамлардир.

Бугун аҳвол қандай? Бошқа МДҲ давлатларида аҳвол қандайлигини билмайман, аммо бизда телевидениенинг асосий қаҳрамонлари ҳамон қўшиқчилар, раққосалар, ҳатто тележурналистларнинг ўзлари...

Қатъий таъкидлаш жоизки, юртимизнинг шон-шухратини дунёга ёйишда спортга тенг келадиган соҳа ҳозирча йўқ. Халқроқ мусиқа ва опера танловларида ғолибликни қўлга кiritишга қодир истеъдодлар ҳам шундай мақтовга лойиқ. Қолаверса, куй-қўшиқларсиз тўй-тантана тасаввурга сиймайди. Булар икки карра икки тўрт деганларидек, равшан ҳақиқат. Фақат шовкин билан чекланиш ёмон. Кимларгадир оғир ботса ҳам қайд этиш лозим: спорт ҳам, санъат ҳам бугунги ҳаёт учун зарур, ихтирочилик, инновацион тадбиркорлик эса давлатнинг қудратини, миллиятнинг келажагини белгилловчи омиллардир.

Яна такорраймиз, бу соҳаларни бир-бирига зид қўйиш ақлдан эмас. Аммо қўшнинг икки қаноти ҳам соғлом, бакувват бўлсагина у юксакларга парвоз қила олади. Ўхшатиш тушунарли бўлса керак. Хўш, бизда тараққиёт личинининг у қаноти қандай-у, бу қаноти қай ҳолда? Бу борада журналистларимиздан гина қилишга ҳақимиз. Айниқса, тележурналистлардан. Тоқайгача лапару ялпачақиятини осмонга олиб чиқиб, юлдузга айлантириш билан шуғулланасиз? Улар билан бир қаторда, ҳатто биринчи навбатда ихтирочиликка интилаётган истеъдод эгаларини излаб топишга киришинг (уларнинг қўлигига шубҳа йўқ), халққа танитинг, муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашинг. Шуни билингки, уларда мўмай пул топиш имкони йўқ, аксинча, ўз фаолиятида деярли ҳар қадамда объектив ва субъектив тўсиқларга дуч келишлар. Уларни қўллаб-қувватлашга маҳаллий ҳокимият ва сармоядорларни жалб қилинг, керак бўлса, уларни бюрократлардан ҳимоя қилинг. Ўларнинг ҳар бир муваффақиятини кенг тарғиб қилингки, халқ билсин, яқиндан танисин. Унутмаслик керакики, тадбиркорлик эркин гуллаб-яшнайдиган муҳитдагина ихтирочилик

– Гап оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий тафаккурга таъсирига келиб тақалган экан, яна бир ўта баҳсли мавзуга тўхталмасдан илож йўқ. У ҳам бўлса – Ўзбекистонда атом электростанциясининг қурилиши мавзуси. Бу мавзу бўйича ижтимоий тармоқларда неча бор айюҳаннос кўтарилди. Эмишши, атом электростанцияси қурилиши мамлакат мустақиллигига путур етказида, халқимиз бошига Чернобиль фожиасини солади ва ҳоказо...

– Ана шундай муҳокамалар авж олса, ҳамма ўзича доно бўлиб кетади. Ҳеч ким, бир оғиз мутахассислардан сўрайлик-чи, демайди. Ҳалиям яхши эслайман. Камина 1998 йили “Тафаккур” журнаliga берган интервьюмда мамлакатимиз учун атом электростанциялари (ҳа, худди шундай – бир эмас, бир нечта, керак бўлса, ўнлаб станциялар) зарур, деган фикр билдирган эдим. Тўғриси, ўшанда журнал бош муҳаррири икковимиз айюҳанносчилар бу фикрлар учун бизни “фалонқулдан писмадонкулга” солишларини кутган эдик. Аммо бирон бир акс садо бўлмади. Чамаси, Фейсбукда гапни қиядиганлар “Тафаккур” деган журнал борлигини ҳам билишмайди. Албатта, атом электростанциясидан хавфсирайдиганлар орасида ҳолис ўйлайдиган аҳли афкор ҳам бор. Аммо улар ҳам қарши далил келтирганлари йўқ. Имкониятдан фойдаланиб, мулоҳазаларимизни батафсилроқ баён қилайлик. Биринчидан, АЭС қурилиши мустақилликнинг “тағига сув қўйиш”га бирон бир мисол йўқ. Америка қитъасидаги барча АЭСлар АҚШ энергетикалари томонидан қурилган. Жумладан, АҚШ билан муносабатлари доим ўзгариб турадиган Бразилияда ҳам. Аммо бирор марта Америка ўзи қурган АЭС орқали у ёки бу давлатга босим ўтказгани ҳақида маълумот йўқ. Ёки “Росатом”ни олайлик. Бу компания томонидан хорижий мамлакатларда ўндан ортиқ АЭС қурилган. Ҳозирги кунда Хитой ва Ҳиндистон каби йирик мамлакатлардан ташқари Туркия, Эрон, Венгрия, Миср, Бангладеш давлатларида АЭС қуришни бошлаган, яна ўнга яқин давлат, жумладан, Қозғистон билан келишувлар имзоланган.

АЭС қурилишига қаршиларнинг иккинчи далили – бундай станциянинг портлаш хавфи бор. Шуни билишимиз лозимки, АЭС асло атом бомбаси дегани эмас. Чернобилдаги фожа сабаби инсон омили билан боғлиқ (навбатчи муҳандис сархуш ҳолатда реакцияни секинлаштирадиган мурват ўрнига тезлаштирадиганини босиб юборган). Бундай аноқовлик АЭСда эмас, оддий ўчоқдаги оловдан ҳам фожага келтириб чиқариши мумкин. Япониянинг Фукусима-1 станциясида руй берган фожага эса станция қурилишига жой нотўғри танлангани сабаб – денгиз кўрфазы тўлкини кучайтириб, цунамига айлантириши мумкинлиги ҳисобга олинмаган. Зилзила бошланиши билан ҳимоя воситалари ишга тушиб, реакторлар тўхтатилган аммо сув босиши фалокат келтириб чиқарган. Дарвоқе, Фукусима-1 станциясидан 10 чақирим масофадаги Фукусима-2 атом станцияси ҳамон бир ма-



ромда ишлаб турибди.

Бу икки йирик ҳамда яна бир неча кичикроқ авариялар сабабли бугун АЭС қурилиши ва эксплуатациясининг хавфсизлиги инсон қўли билан бунёд этилган ва этиладиган барча иншоотлар хавфсизлигидан бир неча марта юқорига кўтарилган.

Яна бир контр-далил – қурилиш сифатига кафолат йўқ деган рўқач. Биринчидан, АЭС қурилиши бажарувчи мамлакатнинг махсус назорат органи томонидан кузатиб борилади. Ахир, АЭСнинг хавфсизлиги шу мамлакат обрўси учун ҳам, иқтисоди учун ҳам нақадар муҳимлиги кундай аён. Иккинчидан, қурилишнинг ҳар бир қадами БМТнинг атом энергетикаси бўйича махсус ташкилоти – МАГАТЭ агентлиги томонидан назорат қилинади. Учунчидан, буюртмачи қурилиш жараёнини исталганча кузатиш ва назорат қилиш, жумладан, куну тун ишлайдиган видеокамераларга ёзиб бориш имкониятига эга.

Ўзбекистонлик ўнга яқин ядрочи физикларимиз дуненинг етакчи ядровий тадқиқот марказларида ишлаганлар, улардан бир нечаси МАГАТЭ инспектори вазифасини ҳам бажарган. Атоқли ўзбек олими Бехзод Йўлдошев машхур Стэнфорд ва Вашингтон университетларида ядро физикаси бўйича профессор бўлган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг 1956 йили ташкил этилган Ядро физикаси институтига 1959 йилда ядро реактори ишга туширилган. Бу реакторнинг ишлаш принципи АЭС реакторидан катта фарқ қилмайди. Шунча йилдан буён юртимиз атомчиларининг бир неча авлоди реакторнинг хавфсизлигини таъминлаб, мамлакат фани ва иқтисодиётининг юксалишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Юртимиз ерости бойликлари рўйхатида уран рудаси салмоқли ўрин эгаллайди. Бу руда ҳам табиий газ ва кўмир каби бир ёқилғи, АЭС ўчоқларида ёниб электр энергияси бериши керак. Мактабда физикани тузукроқ ўқимаган одам ходалар билан сим тортиб келинса бас, электр ўзи оқиб келаверади, деб ўйлайди. “Атом электр станцияси – бомба!” деган иддао ундан кўп фарқ қилмайди.

Ўзбекистонда АЭС қурилиши учун барча шароит ҳам, ўткир зарурат ҳам бор. АЭС электр энергияси ишлаб чиқариш баробарида сувни чуқулаштирувчи восита ҳамдир (Исроилда шу усулда олинган сув истеъмол қилинади). Шунингдек, АЭС қурилиши бошланишининг ўзиёқ мамлакатнинг халқаро обрўсини юксалтиради – юртимиз “Ядро энергетикаси клуби”га аъзо давлатлар сафига киради, муҳандис кадрлар таркибига сифат ўзгариши юз беради, иқтисодий тараққиёт учун ҳам, ижтимоий ривожланиш учун ҳам мустаҳкам пойдевор яратилади. Зотан, юртимизда газ ва кўмир захиралари ҳисобли, сув ва шамол энергетикаси имкониятлари чекланган, қуёш станцияларини эксплуатация қилиш аккумулятор ва панелларни утилизация қилиш муаммосини келтириб чиқаради. АЭС эса энг арзон ва экологик тоза, айна пайтда чекланмаган миқдорда электр энергияси ишлаб чиқаришга имкон беради.

АЭС мавзусидаги баҳсларда мухолифлар шундай аргумент билан оғзинга урадилар: “Авария юз бермаслигига кафолат берасизми?” Аслан тўғри савол. Унга савол билан жавоб бериш тўғри бўлади: “Ўчоқларда учасизми? Уларнинг доимо соғ-саломаат қайтиб ерга қўнишига кафолатингиз борми?” Физика-математика бўйича мутахассис сифатида кафолат бераманки, АЭСни эксплуатация қилиш ҳаво лайнерларини бошқаришдан бир неча чандон осон. Ҳолбуки, йигитларимиз қирувчи ўчоқларда мураккаб олий пилотаж фигураларини ясаб ўчмоқдалар. Кўз тегмасин, ҳозиргача “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпаниясининг парвозлари хавфсизлик бўйича дунёда энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Яқинда ёзувчи Хайриддин Султон қаламига мансуб янги “Осмону фалакларда” китобининг тақдироти бўлди. Китобдан ўзбек учувчилари ҳақида учта ҳаётини новелла ўрин олган (Новелла персонажларидан бири ҳамда китобда баён қилинган воқеаларнинг бир неча шохиди тақдиротда ҳозир эдилар). Новеллаларнинг бирида ўзбек учувчиси шассилари очилмай қолган йўловчи учоғини эсон-омон қўндиргани ҳақида хикоя қилинган. Албатта, бу – авиация тарихида бўлиб турадиган ҳолат. Новеллада сўзланган ҳолатда юртошимиз учоқни шундай қўндирган эканки, нафақат бирор йўловчи, ҳатто ўчоқ ҳам, бўёғи қирилганини айтмаса, умуман эиён толмаган.

Хуллас, илм-фанга асосланиб ишга киришмоқ керак, тамом-вассалом. Замоннинг талаби шу!

– Айтганларингиз, келтирган далилларингиз кишини соғлом мулоҳазага ундайди. Ҳатто ёшларимизга мотивация беради, деб ўйлаймиз. Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур, устоз.

Суҳбатдош:
Абдулҳамид МУХТОРОВ

БОЛАЛАР КОНТЕНТИНИ ЯРАТИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Бошланиш 1-саҳифада.

– Истеъдод ва хоҳишнинг ўзи камлик қилади. Ҳамма гап кўнгилни қаритмасдан сақлаб қолишда. Баъзилар 20–30 ёшга киради-да, қалбига эътибор бермасдан, болалар учун ижод қилишни истайди. Аммо унда кеч бўлади. Болаларга ёзиш учун қаламқашнинг ўзи ҳам болага айланмаса кўнгилдагидек асар қутлининг фойдаси йўқ. Кичкинтойларнинг кўзига қараб дилидагини англаб олиш керак. Бунинг учун болаликдан узоқлашиб кетмаслик лозим. Акс ҳолда ёзавергандан бир иш чиқмайди.

Болалар учун китоб ёзаётганда ичингизга 7 ёшли қувгина болани қамаб, унга 70 ёшли мўйсафидни соқчи қилиб қўйинг. Бусиз ижод махсули болани қизиқтирмайди, тарбияламайди, ёши катталар тан олмайди, давр қабул қилмайди. Шунанга нозик жараён бу: ҳам болалар эътиборини тортиш, ҳам катталарга тенг ёқиш керак.

Устозларимиз таъкидлаганидек, кузатувчи ва яхши тингловчи бўлиш ҳам асосий шартлардан бири.

Масалан, ҳар бир янги шеър ё эртагимни маҳалладаги ёш болаларни чақириб ўқиб бераман-да, кўзига қараб тураман. Агар ёзганим уларга ёқмаса, ўйланмасдан воз кечаман ўша қораламадан. Маъқул бўлса, янаям бойитишга ҳаракат қиламан.

Болалар ижодкорининг қозиси болаларнинг ўзи.

– Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоев, Абдурахмон Акбар каби устозларимиз ўтиб кетишди. Уларнинг йўлини ўрта авлод вакиллари баҳоли қудрат давом эттирмоқда. Лекин умид, доимгидек, ёшлардан. Сиз янги китобларни ўқиб борасизми? Қайси муаллифларни тавсия қиласиз?

– Албатта, ўқиб бораман. Замондошлар ижодини кузатмаслик бизни худбинлик, маҳдудлик ва манманликка олиб келади.

Сўнгги йилларда Шарос Раҳимқулованинг “Мен иккига киргунча” қиссаси ўқувчилар томонидан илиқ қутли олинди. Динара Мўминованинг китоблари жозибаси билан ажралиб туради. “Галактикада бир қун” қиссаси билан ёш ўқувчилар орасида шухрат қозонган Саъдулло Қуроновни асарнинг иккинчи қисмини ёзмагунча мухлислари ҳол-жонига қўйишмиди. Бу мисоллар болалар адабиёти намуналарига халқимиз нечоғли чанқоқ эканини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда болалар ва ўсмирлар нашрларининг ўрнини ҳам таъкидлаш жоиз. Чунки мурғак қалбга китобдан олдин етиб борадиган, уни мутолаанинг сеҳрли оламига олиб кирадиган восита айнан газета-журналлардир. Бу йил “Гулхан” журнали тахририятига “Олтин қалам” халқаро танловининг Бош соврини топирилиши ҳам бежиз эмас. Бу ҳам болалар адабиётини қўллаб-қувватлаш йўлидаги тизимли ишхотларнинг ёрқин намунаси.

– Замонавий дунё болалар адабиётда қандай тенденциялар кетмоқда? Бугун Буратино, Гарри Поттерлар даври ўтди дейишяпти...

– Қайси бир мутараққий давлатга эътибор қаратсангиз, болалар адабиёти кучли бўлади. Чунки ихтирочилик, кашфиётчилик болаликдан шаклланиб боради. Боланинг хаёлларига эса адабиёт куч-қувват беради. Масалан, Хитойда фантастик адабиёт жуда кучли даражада. Туркияда эса болалар учун шунанганга кўп китоблар чиқадики, ўқиб улгурмайсиз.

Бугунги ўқувчини Буратино ёки Чипполино билан ҳайратлантира олмайсиз. Замонавий авлодга замонавий қаҳрамонлар керак.

Бизнинг болалар адабиёти ёпиқ қозон ичида қайнаётганга ўхшайди. Қандайдир чегаралар белгилаб олинган. Тамом. Ўшандан бош чиқариб, оламга боқиш кам кузатилади.

Мисол учун, эртақларимиздаги деярли 90 фоиз воқеалар қўлларда, далаларда, тоғларда кечади. Нера? Чунки кўрганимизни тасвирлашга ўрганиб қолганимиз. Бирон



машхур ўзбек бадийи қаҳрамони денгизда, оролда, горда қолиб кетганини ўқиганмисиз? Бу фақат бизда эмас. Шарль Перро эртақларида ўрмон, Жюль Верн романларида денгиз асосий объект. Чунки уларнинг атрофини ўша муҳит эгаллаб турибди. Қачондир бу қобикдан чиқиш керак-ку!

Нега ўзбек боласи қўлидаги китоб орқали осмонларга чиқиб, уммонлар тубига тушиб саргузаштларни бошидан кечирмаслиги керак? Одамнинг хаёлига келмайдиган нарсалар ёза олсаккина болалар ёзувчиси деган номга лойиқ бўламиз.

– Жаҳон адабиётига тўхталдингиз. Бугун таржима учун танланаётган асарлар мазмунидан кўнглингиз тўладими?

– Ростини айтиш керак, яхши асарлар она тилимизга ўғирилмоқда. Бу борада хусусий нашриётларнинг жонбозлиги ҳам таҳсинга сазовор. Аммо сўз эркинлигини, ноширлик соҳасига берилаётган имкониятларни суиистеъмол қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Улар тақдим этаётган айрим асарлар бола онгини заҳарлайди, миллий менталитетимизга тўғри келмайди. Ҳеч бир китобнинг муқовасига “Бу зарарли!” деб ёзиб қўйилмайди. Улар ҳам чиройли ва рангли бўлиб чиқади, бир ўқиганда қизиқарлидди қўринади. Аммо коса тағидаги нимкоса боланинг онгостига зимдан таъсир ўтказди.

Катта одам бундай асарларни ўқимай қўя қолиши мумкин. Лекин боланинг иммунитетини шаклланмаган бўлади ҳали. У бечора нима қилади? Биз нима қилишимиз керак? Биз савияли асарлар билан китоб бозорига кириб боришимиз керак. Ўрганишга, ёзишга, керак бўлса, асаримизни тарғиб қилишга эринмаслигимиз керак.

Мана шу нуқтада миллий контент яратиш масаласининг нақадар долзарб эканлигини англаймиз. Даврнинг ўзи талаб қилмоқда бун.

– Яқинда “Улуғбек “попкорн” сайёрасида” номли янги китобингиз чоп этилди. “Ёш китобхон” танловига бир шарт бор: ўқувчи асарнинг бугунги аҳамиятини айтиб бериши керак. Буни яхши биласиз. Чунки “Толқон Ботир” асарингиз ўша рўйхатга киртилган. Шу маънода, ёзувчи сифатида айтинг-чи, янги китобингиз ўқувчига нима беради?

– Бу саволга муаллифнинг ўзи жавоб бериши қийин. Аммо тарғибот маъносида икки оғиз тўхталмоқчиман.

Китоб қаҳрамони улуғ аждодимиз Мирзо Улуғбек бўлиб, қиссада ул зотнинг болалик даврига ижодий ёндашилган. Айтиш керакики, Улуғбек болалигида ҳам Улуғбек бўлган, яъни закийлиги, илмсеварлиги билан ажралиб турган.

Қиссани ўқиган болалар, аввало, аждодимиз билан яқиндан танишадилар, саргузаштлар давомида топқирлик, ҳалоллик, шижоат ва бағрикенгликни ўрганади.

Ҳозир болалар насихатни қабул қилмайди, энсаси қотади. Шунинг учун уларга гўзал хулқ асосларини фантазия кучи билан, қизиқарли сюжетлар фонида сингдириб бориш керак. Токи боланинг ўзи насихат эшитаётганини сезмай қолсин. Сўзининг, санъатнинг кучи ҳам шунда аслида.

– Эртақдай қисқа ва мазмунли суҳбат учун ташаккур!

Шахриёр ШАВКАТ
суҳбатлашди.



ЖАҲОН АДАБИЁТИ

ЁЛФИЗЛИКНИНГ
ТАНҲО ЁЗУВЧИСИ

Франц Кафка XX аср адабиётининг сирли ва бетакрор даҳоси, инсон руҳиятидаги қўқув ва хавотирни типиклаштириш даражасига олиб чиққан биринчи ёзувчи деган таъриф бор.

Немис тилида ижод қилган чехиялик ёзувчи 1883 йили Прагада туғилиб, вояга етган. Немис гимназисини тугатганидан сўнг, отасининг истаги билан Прага университетидида ҳуқуқшунослик йўналишида таълим олган. Отаси Герман Кафка қаттиққўл, ҳиссиётларга берилмайдиган оғиркарвон инсон бўлгани боис, ўғлининг китобларга ўралашиб юришини ёқтирмаган. Кафка эса кўнгил ва ҳиссиёт одами эди, ҳар қандай адолатсизлик кўнглида оғриқ уйғотар ва у бу туйғуларини “Отамга мактуб” деб номланган асарида батафсил тасвирлаган.

Унинг дастлабки ҳикояси 1904 йили нашр этилган. Тириклигида тўртта кичик ҳажмдаги китоби босмадан чиққан. Биринчи асари “Бир кураш тарихи” деб номланган. “Қалъа”, “Жараён”, “Метаморфоза” каби машҳур асарлари уни модернизм адабиётининг етакчи намояндаларидан бирига айлантирган.

Франц Кафка ўз асарлари орқали нафақат замонасини шарҳлаган, балки бугунги кунда ҳам долзарб бўлган умуминсоний ижтимоий ва маънавий масалаларни теран таҳлил қилган. Шу боис, асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган. Фикр ва ғоялари нафақат адабиётшунослар, балки фалсафий ва ижтимоий соҳа тадқиқотчилари томонидан ҳам ханузгача тадқиқ этилмоқда. Тириклик чоғида биронта ҳам романи чоп этилмаган.

Асарларини ёлғизликда, ҳамманинг кўзидан йироқда, тўрт девор ичига қамалиб, қалтираб-қақшаб ёзарди, деб эслайди дўстлари.

Франц Кафкадан учта тугалланмаган роман, ўттиздан ортиқ ҳикоя, новелла ва кундаликлар қолган. Улимидан сўнг барча ёзганларини ёқиб юборишни васият қилганига қарамай, дўсти Макс Брод унинг романларини нашрга беради.

Ҳа, Франц Кафка қисқа ва машаққатли ҳаёт кечирди. Қаттиққўл отаси, ёқтирмаган иши, оғир касаллик ва ўзига шонсизлик ёзувчинини оғир изтироблар чоҳига улоқтирган эди.

У ўз кундалигида “Мен гўё тошдан яралгандайман, ўзимга қўйилган қабртошдайман”, деб ёзиб, фожиа ва изтиробларини аниқ ифодалаган.

Франц КАФКА

ҚИШЛОҚ КЎНАСИНДАТИ БОЛАЛАР
(ҲИКОЯ)

— Нега энди мен?
— Ҳа, сен, хоҳламасанг, уйингда ўтир. Аяб ўтириш йўқ!

— Нима? Аяб ўтириш йўқ? Бу нима деганинг?

Биз бошимиз билан оқшом бағрига шўнғидик. На куннинг, на туннинг фарқи бор эди. Дам нимчаларимиз тугмалари бир-бирига тегиб, тишдек ғичирлар, дам барчамиз баравар масофада бирга югуриб борар, тропик жониворларга ўхшаб, оғзимиздан олов пуркардик. Қадимги урушлардаги кирасир кийган отлиқ аскарлар янглиг бир-бир босиб, тагин осмону заминда, бир-биримизни туртиб-суриб, торкучадан қуйи тушиб келар ва оёқларимиздаги ана шу тезлик совиб улгурмай, яна қайтадан қишлоқ кўчаси сари чикиб борардик. Шу кетишда баъзи бир шерикларимиз кўчадаги чуқурларга тушиб кетар, аммо қорамтир дўнглик олдида кўздан ғойиб бўлди дегунча, яна юқорида, дала йўлида бегона одамлардек пайдо бўлар ва пастга термилиб туришарди.

— Бу ёққа тушсаларинг-чи!

— Аввал тепага чиқиб олларинг!

— Бизни йиқитмоқчисанлар деб ўйлаётганимиз йўқ, калламиз жойида.

— Шунчалик кўрқоқмиз, демоқчимисанлар. Қани, чиқа қолинглар унда!

— Ростданми? Санлар-а? Бизни йиқитмоқчимисанлар? Кўрамыз ҳали аҳволларингми.

Биз ҳужумни бошладик, зумда ойнадек силлиқ тепалик олдида етиб бориб, ўзимизни кўчадаги ўт-уланлар ўсиб ётган чуқурлар устига ташладик, кимдир ногоҳ йиқилди, кимдир ўз ихтиёри билан.

Ҳамма нарс бирдек қизиган, биз на иссиқни, на ўт-майсалардаги совуқни сезардик, фақат чарчаганимиз билинарди, холос.

Ўнг томонга хиёл ёнбошлаб, қўлни қулоқ остига қўйдим дегунча, одамни уйку элита бошлайди. Лекин бошингни кўтариб, бор кучингни тўплаб, яна сакраб ўрнингдан туришинг, янада чуқурроқ ўрага тушиб кетишинг керак. Шундан сўнг, қўлингни кўндаланг тутиб, оёқларингни ёндама шомол ялаб, ҳавога юзма-юз отилиб чиқасан ва албатта, яна бошқа чуқурроқ хандаққа йиқилиб тушасан. Кошки эди шуниси охиригиси бўлса.

Сўнгги чуқурда букик тиззаларингни, бутун танангни ўз ҳолига қўйиб, чўзилиб ухлаб олгинг келади, қаёқда, бу ҳақда ўйлаб ҳам бўлмайди, аксинча, касал одамга ўхшаб чалқанча ётволиб, йиғлаворай дейсан. Мабоодо тепаликдан биронта бола тирсакларини белига тираб, товонлари қорайиб тушиб келгудек бўлса, унга аста кўз қисиб қўясан.

Тепада Ой кўринди, чироқларини ёқволган почта машинаси ўтиб кетди.

Енгил шабада эсди, бунни чуқурда ётиб ҳам сезиш мумкин эди, яқин ўртада жойлашган ўрмон шовиллай бошлади. Шунанга пайтларда одамнинг ортиқ ёлғиз қолгиси келмай қолади.

— Қаердасанлар? Бу ёққа келингллар, ҳамманг!

— Нимага яшириниб ўтирибсан, тур-е!

— Почта аллақачон ўтиб кетди, билмадиларингми?

— Йўғ-е! Ростданми?

— Албатта, сен ухлаётган пайтда ўтиб кетган.

— Мен ухладимми? Бўлмаган гап!
— Қўйсанг-чи, юз-кўзларингдан билишиб турибди-ку.
— Сендан илтимос қиламан...
— Кела қолинглар энди!

Биз ёнма-ён югуришиб кетдик, баъзилар қўл ушлашиб олди, бошимизни тик тутиб бўлмасди, чунки пастга қараб тушиб борардик. Кимдир қутилмаганда ҳиндуларнинг жанговар қақирғини хайқириб юборди ва биз энди отларга ўхшаб сакраб чопа кетдик, ҳар сакрашимизда шамол белларимиздан кучиб, мададкор бўлаётгандек туюларди. Бизни ҳеч нарс тўхтата олмасди; бир-биримизни қувиб ўтаётганимизда қўлларимизни қовуштириб, ён-атрофимизга ҳам бирров разм солиб олардик.

Тентаккой кўприги устига етганда, ҳаммамиз тўхтаб қолдик; илгарилаб кетганлар ҳам қайтиб келишди. Пастда сув тош ва илдишларга урилиб оқар, вақт алламаҳал бўлиб қолгани ҳам сезилмасди. Нега ҳозир бирортамиз кўприк панжарасидан сувга сакраётганимиз ажабланирли ҳол эди.

Ўзоқда, бутазор ва чангалзорлар ортидан темирйўл поезди олиб келарди. Барча купеларнинг чироқлари ёник, дераза ойналари тушириб қўйилган эди. Шунда орамиздан биттаси ногоҳ кўча қўшиғини қуйлай бошлади-ю, барчамизнинг ашула айтгимиз келиб қолди. Биз поездга қараганда ҳам тезроқ қуйлардик, қўлларимизни силкиб ҳам кўярдик, чунки овозимиз етишмай, бўғилаётгандек туюлар, бу эса бизга ёқарди. Агар овозинг бошқаларники билан қўшилиб кетгудек бўлса, ўзингни гўё қармоққа илингандек ҳис этаркансан.

Ортимизда ўрмон, олислаб бораётган сайёҳлар кетидан шундай қуйлаб қолдик. Бу пайтда қишлоқда катталар ҳалиям уйғоқ, оналар эса болаларини ётқизиш учун жой ҳозирлашарди.

Вақт бўлди. Мен ёнимдаги болани ўпиб қўйдим-да, қолган учовига шунчаки қўл узатдим ва келган йўлимдан орқага қолиб кетдим, ортимдан ҳеч қим қақирмади. Биринчи муюлишга етиб боргач, мени энди улар кўра олмасди, бурилдим ва дала йўллари бўйлаб ўрмон томон яна югуриб кетдим. Мен жанубдаги шаҳар сари интилардим. Бу шаҳар ҳақида қишлоғимизда шундай гап-сўз юрарди:

У ерда одамлар яшайди! Биласизларми, улар ухлалас эмиш!

— Нега энди ухлалас экан?

— Чунки улар чарчаган экан.

— Нега энди чарчашмасакан?

— Чунки улар аҳмоқ экан.

— Нима, аҳмоқлар чарчамайдими?

— Аҳмоқлар қандай чарчасин, ахир!

Немис тилидан

Мирзаали АҚБАОВ таржимаси.

ТАДҚИҚОТ

БИРИНЧИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЙ РОМАНИНИ КИМ ЁЗГАН?

Шеърий роман ёзилиши камёб ҳодиса. Роман даражасидаги кенг қамровли воқеа-ҳодисаларни назмий шаклда ифода этиш жуда мураккаб.

“Шеърий роман” тушунчаси адабиётшуносликка кириб келгунча қадар ҳам катта ҳажмдаги шеърий эпик асарлар кўп яратилган. Фирдавсийнинг “Шохнома”си, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий” достонлари, ундан ҳам олдин яралган “Илиада” ва “Одиссей” эпослари моҳиятан олиб қаралса, шеърий романнинг бир қўриниши бўла олади.

Тадқиқотларга кўра, “шеърий роман” истилоҳи Пушкиннинг “Евгений Онегин” асари яратилгандан сўнг адабиётшуносликка кириб келган. Филология фанлари номзоди Лола

Ахророва “Ўзбек шеърий романларининг спецификаси” мавзусидаги номзодлик диссертациясида, жумладан, шундай дейди: “Пушкингача мавжуд шеърий асарларга нисбатан “катта эпик поэма”, “эпик поэма”, “поэма” терминлари қўлланилган бўлса, ўзбек адабиётдаги шеърий эпик асарларга нисбатан “достон”, янги лирик-эпик асарларга асосан “поэма” термини синоним сифатида ишлатилиб келинмоқда”. Олима биринчи ўзбек шеърий романи қайсилиги ҳақида тўхталиб, “Ўзбек реалистик шеърий романи Мирмуҳсиннинг “Зиёд ва Адиба” асари билан бошланади”, деган хулосага келади. Бошқа бир нечта манбаларда ҳам биринчи ўзбек шеърий романи айна шу асар экани қайд этилади. Аммо бу қанчалик тўғри?

Юқорида таъкидлаганимиз мумтоз адабиётдаги достонларни ҳисобга олмасдан, замонавий адабиётдаги

шеърий романларга эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг биринчиси жадид бобомиз Элбекнинг “Тозагул” асари экани ойдинлашади.

Адабиётшунос Ҳайдарали Узоқов “Эрк йўлида эрксиз кетган фидойи” мақоласида шундай ёзади: “...шоир ўта камтарлик қилиб беш катта бўлим, 215 саҳифани ўз ичига олган 5 823 мисралик “Тозагул” шеърий романини “достон” деб атайди. Асарни ўқир экансиз, ундаги Тозагул ҳамда Норйигитлар турмуши негизда содир бўлган ижобий ва салбий кайфиятлар, қишлоқдаги машаққатли меҳнат, ҳалол ва пок уринишлар ҳамда баъзи нохуш зиддиятлар шеърий тарзда ҳаётий ва бадий тақдорланади. “Тозагул”да қаламга олинган мавзунинг кенг қамровлилиги ва воқеалар ривож, қаҳрамонларнинг кўлам даражаси, бизнингча, асарни достон эмас, балки уни шеърий роман дейишга асос беради”.

Ушбу асар 1934 йилда ёзилган. Мирмуҳсин қаламига мансуб “Зиёд ва Адиба” эса 1954–1958 йилларда қозғога туширилган. Балки “Тозагул”ни шоирнинг ўзи поэма деб эълон қилгани учун ҳам адабиётшунослар уни шеърий роман қаторига киритмас. Аммо асарни бироз таҳлил қилиб, ундаги қаҳрамонлар сони ва воқеалар тадрижини кўздан кечирадиган



Элбек (1893–1939)

бўлсак, достондан кўра қамрови кенг-роқ, поэмага нисбатан каттароқ асар эканига ғувоҳ бўламиз.

Асар воқеалари Биринчи жаҳон уруши арафасидан 1933 йилгача бўлган даврни акс эттиради. Ўша пайтдаги сиёсий вазиятнинг реал тасвирини кўрсатишда бу шеърий романнинг аҳамияти юқори. Зеро, ўзбек халқининг турмуш тарзи, одамларнинг орзу-ҳаваслари, ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабат, “инқилоб” дея қўкка кўтарилган пуч ғояларга қандай алдангани, синфий курашнинг салбий оқибатлари, илғор пахтакорларнинг биринчи қурултойи каби долзарб масалалар романнинг асосий объекти саналади.

Шеърий романда бош қаҳрамон-

лар – Норйигит ва Тозагулдан ташқари йигирмага яқин катта-кичик образлар акс эттирилган бўлиб, уларнинг тақдир, қисмати орқали XX аср бошларидаги турмуш ҳақиқатлари намоён бўлади.


Роман соф бадий асар сифатида камчиликлардан холи эмас. Шоир ўша давр сиёсати, тузуми таъсирида совет мафкуриси, социалистик революция учун курашларни акс эттиришга мажбур бўлгани, айрим эпизод ва қаҳрамонларни мажбуран қўшгани сезилади. Чўлпон “Кеча ва кундуз” романига рус кишии образини киритишга мажбур бўлгани каби Элбек ҳам шеърий романига Михаил Игнатьевни қўшади. Гўёки, Тошкентда яшайдиган бу шахс Норйигитга ёрдам қўлини чўзиб, уйдан жой беради, ишга жойлаштиради, сиёсатга тортади. Ажабланарлиси, ўзи яқиндагина Тошкентга кўчириб келтирилган Михаил шаҳарга ёндош бўлган Чирчиқ қишлоғи вакили Норйигитни меҳмон сифатида қабул қилади ва уни онгли, исёнкор, фаол курашчига айлантиради. Шоир бу образни ўзи истаб қўшмагани тайин, аммо замона зайли шу эди. Йўқса, роман орқали айтмоқчи бўлган асосий фикрларни ҳам бера олмас, асарни чоп қилишнинг имкони топилмасди.

Норйигит ва Тозагул дастлаб содда

қишлоқ ёшлари сифатида тасвирланиб, асар давомида ҳақиқий курашчи, меҳнаткаш ишчи сифатида шакллана бориши, сюжет линиясининг изчил ривожланиши, икки ёшнинг севги қиссалари ва висолга етишишлари, эпик асарга хос конфликт, тугун ва ечимнинг берилиши асарнинг шу пайтгача яратилган шеърий романлардан кам эмаслигини кўрсатади.

“Тозагул” шеърий романи ўз даврида китоб ҳолида ва қисмларга бўлинган ҳолда матбуот саҳифаларида чоп этилган. Аммо бугунги ўқувчи бу шеърий роман билан тўла таниша олмайди. Адибнинг 1999 йилда нашр қилинган “Танланган асарлар”ида боблар берилган, холос. Бу асарни илк ўзбек шеърий романи сифатида қайта нашр этиш ва ўқувчиларга етказиш адабиётшунослар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Зеро, бу орқали мазкур жанрдаги илк асар тарихи 20 йил ортга сурилиб, ушбу йўналишда ҳам дастлабки тажрибалар жадидлар томонидан амалга оширилгани борасидаги ҳақиқатлар юзага чиқади.

Бекзод ИБРАГИМОВ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети мустақил
изланувчиси



Германн ХЕССЕ

“Китобга димоғдор ўқитувчига қараган кўрқоқ ўқувчи сингари эмас, балки энг баланд чўққини забт этмоққа шайланган шиддаткор альпинист каби ёндашмоқ талаб этилади.



ЭХТИРОМ

Ваҳоб Раҳмон билан мени бир-биримизга яқинлаштирган воситалардан бири атоқли шоир ва мутафаккир, истеъдодли саркарда, адолатли ҳукмдор Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг хотирасидир.

Хар йили 14 февраль куни ҳазратнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро ё анъанавий йиғинлар вилоят ҳокимлиги ва Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан Андижонда ташкил этилади. Мазкур илмий-адабий анжуманларда Ваҳоб Раҳмон ҳам Бобур ижодий фаолиятининг у ёки бу қиррасига оид маърузаларни билан фаол қатнашарди. Фонд раиси Зокиржон Машрабов матншунос, навоийшунос олим Ваҳоб Раҳмонни фонднинг яқин аъзоси, ҳамкори мақомида Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тарғиб этиш, унинг номини абадийлаштириш борасидаги бошқа жорий тадбирларга ҳам қақирадиган бўлди. Шундан буён Ваҳоб аканинг бир оёғи Андижонда. Биз энди у билан Бобур фондида тез-тез учрашадиган бўлиб қолдик.

Йиллар давомида Ваҳоб ака Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларини бир неча бор нашрга тайёрлади. Бобур фонди буюртмасига кўра “Бобурнома”нинг эски ўзбек лисонидан замонавий тилимизга табиблини амалга оширди (адабиётшунос Каромат Муллаҳўжаева билан ҳамкорликда) ва бу китобларга сўзбошилар ёзди, изоҳлар битди. Бобурнинг холаваччаси, кўп йиллар Кашмирда ҳукмдорлик қилган Хайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” мемуар асарини форсчадан ўзбекчага ўгириш (рафиқаси, ажойиб олима, таржимон Янглиш Ёгамова билан), “Бобур энциклопедияси”ни яратиш ва нашрга тайёрлашдаги хизматларини адабий жамоатчилик юксак қадрлайди.

Ваҳоб акага қойил қолишим сабабларини ҳам айтиб ўтишим керак. У маҳалларда ака Гулистон шаҳрида яшар ва Сирдарё давлат университетиде ишларди. Андижонга кўпинча Тошкент орқали келар ва яна шу йўналиш билан Гулистонга қайтарди. Шундай қатновларини ўйлаб, Ваҳоб аканинг ҳафсаласига, сабр-тоқатиға, матонатига, фидойилигига тан берардим. Бирор марта йўлнинг айланалари, узоқлигидан нолигани, кўп вақти йўлга кетиб қолаётганидан зорланганини билмас, эшитмас эдим. Зокиржон Машрабов мени ҳам тез-тез Бобур фондининг Боғишимол мавзеидаги идорасига чақириб турар, айрим вақтларда ўз ишларимдан қизганиб ё шунчаки эриниб (масофа 40 қақирим атрофида), важ кўрсата бошласам, Зокиржон ака: “Гулистондан дўстингиз Ваҳоб Раҳмон келган, кўришиб кетсам, яхши бўларди, деяпти” дея писанда қилар, шунда мен ўз қилигимдан хижолат чекиб, қолаверса, қадрли меҳмон билан дийдорлашиб, суҳбатлашиб иштиёқида дарҳол йўлга тушардим.

Каминани Ваҳоб ака билан жипс боғлаган омиллардан яна бири – ҳамсафарлик. Инсон мансабда ва сафарда синалади деган гап бор. Бу хулосанинг бежиз эмаслигини, албатта, бошидан ўтказганлар яхши билишади.

Бобур халқаро жамоат фонди қoшидаги халқаро илмий экспедициянинг навбатдаги (2011 йили) муҳим йўналиш ва дастури – Соҳибқирон Амир Тему́р ҳаёти ва ҳукмдорлик фаолиятининг муайян бир даврини – Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга қарши юриши асносида босиб ўтган собиқ Дашти Қипчоқ ва бошқа манзилларини, хусусан, ўша машҳур тўқнашув содир этилган маскан ҳамда жанг билан боғлиқ тарихий ҳодисалар, тафсилотларни ўрганишдан иборат эди. Экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабовда мазкур сафар тўғрисидаги мақсад ва режанинг пайдо бўлишига ижтимоий тармоқларда тарқалган бир хабар сабаб бўлган эди. Хабарда Россиянинг Варна туманида “Темур минораси”, “Ксене сағанаси” деган атамалар билан ном қозонган тарихий ёдгорлиқнинг барпо этилишига боис бўлган маъшуқа қизнинг Амир Тему́р авлоди ё ҳарамига мансублиги айтилган эди. Ушбу маълумот аслида тор доирадаги илм аҳли, муаррихларга маълум бўлса-да,

Меҳру ихлосимга боис...

уни ҳамма билавермас, боз устига, қадимшунослар ҳам мазкур далилга нимагадир эътибор қаратишавермас эди.

Бобур Мирзо ва унинг сулоласига оид ҳар қандай янгиликни кўзига тўтиёдек сурадиган Зокиржон Машрабовни ғоят қизиқтириб қўйган мазкур муждани эса унга Ваҳоб Раҳмон етказганди. Аввалига фонд раиси Ваҳоб ака билан самолётда бориб-келишни ҳам чамалади, лекин у одатда мўлжаллаган ишлари, режалари дурустроқ салмоқ ва аҳамият касб этиши зарурлигини инобатга олиб, сафарни автомобилда амалга оширишни лозим топди.

Хуллас, Зокиржон Машрабов бошчилигида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Али, филология фанлари номзоди, адабиётшунос Ваҳоб Раҳмон ва каминадан иборат экспедиция аъзолари ёш бўлса-да, тажрибали ҳайдовчи Аҳмаджон бошқарувидеги корейслар “тулпори” Хундай-старексада “Қайдасан, Варна?” деб, йўлга тушдик.

Интернет хабариде айтилган “Темур минораси”ни топдик. У туман марказидан чет-роқда – бепоян кенгликлар оғушида, Ново-павровск йўлидан юз қадамча ичкарироқда салобат билан қад кўтариб турарди. Ваҳоб ака ёдгорлиқни шарҳлаб, у билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ўша даврда яшаган ўзбек шоири Сайфи Саройининг “Сухайл ва Гулдурсун” достониде қандай тасвирлангани ҳақида ўзига хос ҳаяжонли оҳанда батафсил гапириб берди.

Варна ўлкашунослик музейиде мозийгоҳ ҳодимлари билан “Темур минораси” юзаси-



Россиянинг Варна туманидаги “Темур минораси” ёки “Ксене сағанаси” деган атамалар билан ном қозонган тарихий ёдгорлик.

дан саволларимизга жавоб олишга, мазкур ёдгорлик тўғрисидаги “миш-миш”лар ва тарихий ҳақиқатларга ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик. Татаристон марказиде эса Қозон университети тарихчи ва филологлари билан ўзбек-татар адабий алоқалари мавзусиде бафуржа мулоқот-мунозара ўтказдик. Яна, бу суҳбатда “Бобурнома”нинг 1957 йили турколог олим И.М.Ильминский томонидан дастлаб шу ерда китобат қилингани ва бу нашр асарнинг Лондон нусхаси билан бирга Ўзбекистонда чоп этилган нашрларга асос бўлганига алоҳида урғу берилди.

Юқоридеги учрашувлар, мулоқот-мунозараларда Ваҳоб Раҳмон ўзбек классик шоир-ёзувчилари билан бир қаторда қозоқ, рус, татар адабиётларини ҳам чуқур билишига имоним комил бўлди. Саналган халқларнинг қайси намояндаси ижоди ҳақида сўз кетса ё бир савол тугилса, Ваҳоб ака бошқалар билан баробар, балки улардан кўпроқ маълум

мотга эғалигини баралла намоён этар, ҳар қандай жумбоқли, мунозарали вазиятдан ишончли мисоллар, далиллар билан қоқилмай, тutilлмай, голибона чиқа оларди. Бундай ҳолатларда мен ич-ичимдан фахр ва қониқиш туяр, Ваҳоб аканинг экспедицияга қўшилгани айна муддао бўлган экан деган гап кўнглимдан қайта-қайта ўтарди.

Самара вилоятида Соҳибқирон билан Тўхтамишхон ўртасиде бўлиб ўтган ва Турон мамлакати султони ғалабаси билан якунланган муҳораба бўлган жойларни ўрганиб, ўша жанглар билан боғлиқ ва бошқа тарихий далил, ҳодисаларни муҳокама қилар эканмиз, Ваҳоб аканинг жонажон мамлакатимиз – Ўзбекистон тарихини ҳам теран билиши мени лол қолдирарди. Ҳар қандай суҳбат-музокараларимиз эса ўз-ўзидан адабиёт мавзусига бориб туташар ва беихтиёр мушоирага киришиб кетганимизни ҳам пайқамай қолардик.

Ваҳоб Раҳмонни мен истеъдодли, ўз фикрини дадил ва дангал айта оладиган адабиётшунос олим деб билардим, унинг шеър ёзиши, дурустиғна шоирлигидан мутлақо бе-хабар эканман. Ҳажман анча йирик фалсафий-лирик шеъри ҳам, жарангдор овоз билан ифодали ўқиши ҳам ўзига жалб этгулик эди.

Ваҳоб Раҳмонга бўлган ҳурматим, ихлосимнинг ошишига боис бўлган учинчи омил – унинг мумтоз адабиётимиз, айниқса, Алишер Навоий асарлари нашрларидаги имловий, грамматик саҳву хатолар борасидеги куёнишлари, жонкуярлигидир. Маълумки, даҳо, мутафаккир шоиримиз сатрлари қатларига жо этилган тағмаъноларни илғаб олиш осон

“Мумтоз сўз сеҳри” китобиде келтирилган, тузатиш-ўнглашга сабаб бўлган хатотикларга, бунинг оқибатиде келиб чиқадиган янглиш сатрлар, фикрлар, образларга гувоҳ бўлгач, тўғриси, юрагим шувиллаб кетди. Наҳотки биз, умуман, китобхонлар, ихлосмандлар Навоий ғазалларию достонларини шу алпозда ўқимётган, ўрганаётган бўлсак, деган таажубу ва таассуф, демак, мазкур асарларни яхши тушунмаслигимиз сабабларидан бири ана шу “хол”лар билан ҳам боғлиқ экан-де, деган ачиниш ҳаёлимдан кетмай қўйди. Мана, бир мисол:

Эй Навоий, гар вафосиз чиқди ул Султон Хусайн, Топдинг элдинким, тиларсен эмди султондин вафо?!

“Ўша байт мазмунига боқсак, муаллиф шоир Хусайн Бойқарони очикчасига вафосиз деб ҳақорат қилмоқда, – дея қўйиб ёзади Ваҳоб Раҳмон. – Бунга нима дейсиз? Бу усул Алишер Навоий руҳини қақшатиш эмасми? Ҳолбуки, шоир ёзган эди:

Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул султони ҳусн, Топдинг элдинким, тиларсен эмди султондин вафо?!”
(*“Мумтоз сўз сеҳри”*, 110-11-б)

Дарҳақиқат, Навоийдек бетакрор, зукко шоир, оқил, донишманд инсон ўзининг умрлик дўсти-қадрдони, боз устига, уни юксак мансаб-мартабалар ва бошқа ғамхўрликлар билан сийлаб юрган, ижоди ва номини ҳамиша иззат-икромда тутган юрт подшоҳи шаънига шундай таъна, айблов битиши мумкинмиди? Энг ачинарлиси, мазкур бузук байт ва бошқа хатолар икки асрдан бери китобдан китобга, барча олий, ўрта махсус ўқув юртлари талабаларию мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган дарсликлар, қўлланмаларда ҳам бирдан иккинчисига ўтиб келаётган экан.


Эҳтимол бу “хол қўйиш”ларда фақат матншуносларнинггина эмас, бошқа масъул шахслар – ношир, муҳаррир, мусахҳихларнинг ҳам “хиссаси” бордир, аммо қай бирини оқлаб бўлади ва ким айбдор, ким заҳматкашлигининг аслиятдан мутлақо беҳабар бечора китобхонга қандай аҳамияти бор? Балки, кўҳна имлонинг зеру нуқталари олимларга, тадқиқотчиларга кўп панд бергандир, заҳмату ташвишлар келтиргандир, аммо шўринг кургур ўқигувчида нима гуноҳ?

Навоий асарлари аслиятидаги, айтايлик, “энг” (ёноқ) сўзини “енг” (кийимнинг енги), “маъман” (маскан)ни “маъни” (маъно), “ойтти” (айтти)ни “ояти”, “бабр”...ни “бир”, “ёғиб”...ни “ёғиб”, “хамул”...ни “ҳам ул”, “меҳр”...ни “ҳажр”, “бир Билол”...ни “пур ҳилол” (ва ҳоказо) тарзида, мазмунни бутунлай тескари қилиб қўчирилган бесаноқ хатоларни ўқиғач, бечора Ваҳоб аканинг қуйидаги фарёди сабаби, маънисини англагандай бўлдим. У бир журналистнинг “Ваҳоб ака, сиз тажрибали матншуносиз. Матнларни аёвсиз танқид қиласиз... Наҳотки улар шунчалик танқидга лойиқ бўлса?” деган саволига жавобан шундай деган экан:

“...Нашрга тайёролчилар матн мазмунини идрок этолмасалар, матнни эски ёзувдан бузиб қўчирсалар, ҳар бир китобда юзлаб хатолар учраса, мен дод демай, ким дод десин?!” (*Юқоридеги китоб*, 110-б.)

Ҳа, бу “дод” улғў аждодларимиз ижодининг китобхонларга, халққа аслидағидай, бенуқсон етказиш, уларда нотўғри тушунча ва тасаввур юзага келмаслиги учун сидқидилдан қайғурган, курашган фидойи олимнинг фарёдидир.

Албатта, мумтоз адабиётимиз намуналарини яхши ниятлар билан, катта заҳматлар ила нашрга тайёрлашдек жуда масъулиятли, хайрли вазифани адо этганларга миннатдорлик билдириш ва улар шаънига таҳсинлар ай-



тишга бурчлимиз. Зеро, беш-олти аср илгари битилган катта ҳажмдаги, балки айримлари бир қадар эскирган қўлёзмаларни ўқиш, сўзма-сўз ўзга имлога қўчириш сердиққат, машаққатли юмуш эканлигини, бундай серқўлам ва мурақаб ишларда анча-мунча хатолар, англашилмовчиликлар, камчиликлар бўлиши табиийлигини яхши англаймиз, лекин гап шундаки, хатолар “анча-мунча” деган қолипдан ошиб-тошиб кетган ва фикри ожизимизча, Ваҳоб Раҳмон тузатишлари ана шу ишларга сифат, мукамаллик бағишлаши нуқтаи назардан баҳолашни мақсадга мувофиқ эди.

Илло, англашимизча, ҳазрат Навоий руҳидан, китобхонлар оммасидан узр сўраш ўрнига, тузатувчиға, ўнловчиға, аслиятни тикловчиға раҳмат айтиш, ташаққуру миннатдорлик билдириш ўрнига, баъзилар ундан ранжийди, худди арпасини хом ўриб қўйгандек, унга ёвқараш қилади, тагин, ҳеч хижолат кечмай, “бу (биз нашрга тайёрлаганларимиз) – бизнинг Навоийимиз, у (сиз тузатган вариантдаги) – сизнинг Навоийингиз”, дейишдан ҳам тап тортмайдилар (Ахир, Ваҳоб ака ёзганидай, ростдан ҳам олимнинг хатоси – оламнинг хатоси-ку!). Бу пичингли муносабатларга эса, наздимда, Ваҳоб ака юзларидан деярли аримайдиган майин табассуми билан жавоб қайтарди.

Аммо ўзга ҳолатлардагидан фарқланувчи ушбу жилмайиш замирида, шубҳасиз, андак қувлик билан бирга, ачиниш ҳисси ҳам йўқ эмаслигини ола қаровчиларнинг ўзлари ҳам жуда яхши англасалар керак. Эҳтимолки, Ваҳоб Раҳмон ўз услубидан келиб чиқиб, танқидий фикрларини “хушхўрроқ” қилиш учун истеҳзо қалампиридан бир-икки чимдим зиёдрок қўшиб юборар, лекин ҳақиқат шуки, унинг тузатишлари, нияти муҳим ва ўта зарур – мумтоз адабиётимиз намоёндалари ижодини ихлосманд-китобхонларга мумкин қадар беҳато етказиш, ҳазрат Навоий руҳига эса озор етказмасликдир.

Сўзни мухтасар қилсак, Ваҳоб аканинг камтарлик, кичиккўнглилик, одамохунлик, ячинларига садоқат, олижанонлик каби инсоний сифатлари, каминига йўллаган мактубларидаги дўстона меҳр тўғўлари мени бу фидойи навоийшунос, бобуршунос ва матншунос олимга ошно этган, ҳурматини зиёда қилган омилларнинг аълопаридандир. Ушбу битикни ҳам Ваҳоб аканинг менга ёзган номаларидан биридаги, кейинги пайтларда ўта муҳим ва оғриқли масалага айланган мавзуга оид қуйидаги гаплари билан якунласам:

“Оламда одамни Илм каби улғўлайдиган бебаҳо кашфиёт бўлмайди. Буни кенг маънода ижод десак, балки тўғрироқ бўлар. Китоб инсонга бахт учун кераклигини, улғў бахт учун зарурат эканлигини инсоният балки тушуниб етолмас. Тушуниб етганлари эса бир умр бахт соҳиби бўладилар. Китобхон одам менимча, ҳамиша бахтиёрдир.

Китоб ўқимайдиган одам ёруғ оламда кўзи сўқир кимса каби зимистонда яшайди. Ҳолбуки, кўзи очикларнинг кўнгли кўзлари очикдир. Чунки китоб ўқимайдиган одам сўқирдан тубанроқ туради. Уларга Аллоҳнинг раҳми келмагани шу – китоб ўқимаслиқдир. Чунки Навоий “Аллоҳ одамни маърифат учун, яъни ўқиш учун яратди” деганлар. Маърифат яратиш эса энг олий бахтдир”.

Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси

ЁД ЭТИБ



*Кўрдим бу оламда турфа қиёфат,
Кўрдим бу ҳаётда ҳар сон бўрини.
Сизни учратгўнча ва леким фақат
Кўрмасандим сиздек Луқмон Бўричи...*

Мансур ЖУМАЕВ

АНГЛАШ ИЗТИРОБИ

Эрка инсон эди Луқмон Бўрихон. Қадрини билар, иззатини жойига қўймаган ерга қадам босмасди. Баъзида кеккайган, баъзида хоксор, хуллас, ўз дунёси билан яшаётган ўспиринга ўхшаб кетарди. Ҳамиша ожизларни ҳимоя этар, заифларнинг тарафида турар, ҳатто футболда ҳам, атайлаб кучсиз бир жамоага мухлислик қиларди. Узини пухта деб ишонар, лекин содда, гўдақдайн тўғри эди. Шунга бошқаларни ҳам ўзидай кўрарди.

Адибларнинг ёзгани ўзига ўхшаши бор гап. Аммо асарлари Луқмон Бўрихончалик ўзига тортган ёзувчини, камина, кўрмаганман. Дилгирлиги мўл эди асарларига ўхшаб. Урни келганда ҳазилни, ҳар хил кинояларни ҳам жойига кўярди. Аҳён-аҳён

бўлиб қоладиган гиналари, койинишлари ҳам беғараз эди. Нолирди-ю, ҳар битта гапни Худонинг қаршисиде тургандай кўшмасдан, чатмасдан чиппа-чин гапирарди. “Сўз самимиятни яхши кўради”, дерди менга доимо. Тагин бот-бот уқтирарди: “қизларнинг кўнглини олишга ўхшаган найрангларни қўй, қайтаंगा ошнанг билан тиллашгандай рўй-рост, дангал ёзсанг, жумлаларнинг ўзи эшилиб келаберади... Билиб қўй, адабиёт сенинг маҳбубанг эмас, ошнанг!”

Яна битта ютуғи ва камчилиги бор эди у кишининг. Ёзган ҳамма асарларини боласини яхши кўргандай яхши кўрарди. Боласини эркалагандай папаларди. Йўқ дейсизми, тирикчилик учун ёзилган асарлар – бошқалардаям тикилиб ётибди. Бундайроқ ёзилганлари ҳам бор ҳаммада. Лекин Луқмон Бўрихоннинг ўзгалардан

фарқи, ўшандай асарларини кўздан пананага сурмасди. Аксинча, ўзи яхши ёзилмаган деб ич-ичдан тан оладиган асарларини ҳам доимо хуржуниде олиб юрарди. Бир гап шу ҳақида гапирганимда, “оғайни, сен айтган асарларниям кампит шимиб ёзганим йўқ, тирсагимнинг яғири чиқиб ёзганиман!” деган. Жон бор эди гапларида. Бу одам ҳамма асарини ёнбошлаб олиб, қўлда ёзар, ёқмаган жойини қайта-қайта таҳрир қилишдан ҳеч эринмасди. Шу тўфайли Нажот Ғайбулла ҳақида, Лолахон ё Норсоат ҳақида сўраб қолсангиз, бирдан ўша ёзаётган пайтидаги завқи, ҳаяжонлари қайтиб келарди. Қаҳрамонларнинг ҳар битта гапи, ҳар бир ҳолатигача китобдаги билан “бирга бир” тарзда гапириб бера оларди. Ҳатто ҳали ёзишга улгурмаган асарларини ҳам бошдан охиригача айтиб

беришга қодир эди бу инсон. Тасаввурни шунчалар кенг, мисли бир механизм эди. Онгиде ўнлаб асарларнинг тўла-тўқис ғояси ҳил-ҳил пишиб ётарди.

Мен тириклигида таниш бўлганимиздан, яқин бўлганимизни айтиб мактангулик шундай одамим борлигидан жуда хурсандман. Соғинишга, кўмсашга арзигулик бир бебаҳо инсон билан узун-узун суҳбатлар қурганимиздан жуда мамнунман. Номардга мағлۇб дамларимда “эсиз, устоз кетиб қолди-да, бўлмаса мени ҳимоя қиларди”, деб ўз-ўзимга таскин берадиган кишим борлигидан бахтиёрман... Ва ҳар битта одамнинг ҳаётида мана шундай инсон бўлиши зарур, деб биламан. Индамайдиган, нариги дунёларда жим туриб сени эшитадиган, ўз-ўзинга ҳисоб беришинга, тўкилиб тозаринингга, кўнглинг қирлари, губорларини ювиб олишинга қўйиб берадиган бир яқини бўлиши шарт деб ўйилган ҳам банданинг...

Байрам АЛИ



ТАНДИРДА ТОБЛАНГАН ТОР

Бошланиши 1-саҳифада.

Сотувчи йигит турли ялтироқ нимарсалар кистирилган бир торни кўрсатиб, “Буниси энг қиммат туради – баҳосига яраша қиймати бор. Бармогингиз тегмасдан жаранглайди”, деб таърифлай кетди. Сотувчи мактаган торни кўлимга олиб, у ёқ-бу ёғини кўргандек бўлиб савол билан юзландим: “Бу тор тандир тагида неча йил тобланган?”

Сотувчи саволимдан ажабланди. Сездимки, бу йигитнинг ҳақиқий тор қандай тайёрланишидан мутлақо хабари йўқ.

Бундан ўттиз йиллар муқаддам улугъ ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг хонадонига борганимда у кишининг турмуш ўртоғи Имсиной опа Полвонова қизик воқеани сўзлаб берган эди: “Комилжон аканинг вафотидан ўн йиллар ўтгач, у кишининг шогирдлари ўзаро мусобақа уюштиришди. Ғолиб чиққан киши устознинг торини бош соврин сифатида олишига келишилди. Мен ҳам эътироз билдирмадим: олса шогирдлари олади, қолаверса, торлари неча йиллардан бери хонасида деворга осиликлик турибди-ку, деган фикрга бордим.

Мусобақа ғолиби торни олиб кетган куни тунда Комилжон ака тушимга кирди. Кайфиятсиз бир ҳолатда турибди. Мен сўрашмоқчи бўлсам, у киши “Тор қани?” деди, холос. Уйғониб кетдим...

Шу кунидек ўша шогирдини уйига бордим ва кўрган тушимни айтиб, торни олиб қайтдим. Комилжон ака бу торни мени яхши кўрган даражада ахши кўрарди”.

Имсиной аянинг яхшигина назмий иқтидори бор эди – ягона шеърый тўпламини умри нихоясида чоп этишга жазм қилганлар. Аядан “Ёшлик пайтингизда шеър ёзган экансиз-у, аммо нега бирорта шеърингизни Комилжон ака кўшиқ қилмаган?” деб сўраганман. Ая кулган: “Акангизнинг диди баланд эди. Кўшиқ учун шеър-ғазални чертиб-чертиб танларди. Менга ўхшаган ҳаваскор шоирлар у кишига яқин келишга ҳам чўчирди”.

Ҳофизнинг юз йиллиги Президентимиз ташаббуси билан кенг нишонланди, яшаган уйи музейга айлантирилди. Ўша машҳур тор ҳозирда ҳофизнинг уй-музейини беэаб турибди.

Комилжон ака ардоқлаган бу торнинг қандай сеҳри бор дерсиз? Жудаям бор! Бор бўлганда ҳам мўъжиза маҳсули у.

Маълумки, тор юртимизга озарбайжон қардошларимиздан кириб келган ва дастлаб Бухорода қўлланила бошланган. Бу созининг Хоразмга келтирилиши ва воҳа кўшиқчилигининг ажралмас қисмига айланишида Комилжон аканинг хизматлари бекиёс. Ҳеч бир истисносиз айтиш мумкинки, торни Комилжон ака каби маромига етказиб сайратган бошқа ҳофизни топиш қийин. Тор унинг қўлида ўзгача жаранлаган,

мумтоз ашулаларимизнинг тингловчиларга тўла-тўқис етиб боришида, кўшиқ матнидаги ҳар бир сўз ва ҳатто, лофи билан айтсак, вергулу нуқтаси қайдалигини англашлари, қалбларига мисли оби ҳаёт каби қуйилиши ва юрак пардаларини кўпиртириб юборишгача бориб етган. Ҳофиз куйлаётган дақиқаларида минглаб кўшиқсеварларнинг сел бўлиб ўтириши, эгилган бошларини оҳиста тебратишлари сабаби соҳир товушдан ташқари тордан чиқаётган сеҳрли оҳанглар ҳамдир.

Бу сеҳрли оҳанг ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бу мўъжаз чолгу – торнинг зуваласи жуда мустаҳкам пиштилгани натижаси!

Хоразмда беш юз йилча яшайдиган Балх тути кўп ўсади. Умрбоқийликда гужум

“пишган” дарахт танасидан тор ясалади.

Тасаввур қиялписими, бир тор яралиши учун ҳунарманднинг камида ўн йил умри ўтади. Ўша ўн йил тоблатиш торга минг йиллик умр бағишлайди ва уста сабр-тоқати учун муносиб тақдирланади ҳам. Бу усулда ясалган торнинг нархи жуда юқори туради.

Торнинг дастаси ҳам тут ва ўриқдан ясалади.

Улуғ шоир, раҳматли Матназар оға ўғиз лаҳжасида ёзган шеърларидан бирида тор ясалишини шундай таърифлаган:

*Тутнинг шохосиннон дутор дастаси,
Тутнинг йўрпогиннон дутор торлари.
Шохо билан йўрпоқ қўшилишгондо
Багринени азади чаккан зорлари.*



Комилжон Отаниёзов уй-музейи.

билан беллашадиган тутни “темир дарахт” деб ҳам атайдилар. Бежиз эмас. Тут танасига урилган болтанинг тиғи синиши мумкин. Унга энг ўткир учли михни ҳам қоқиш қийин.

Торнинг оҳанг таратадиган, жарангдорлик пайдо қиладиган қисми – косаси тут ёки ўриқдан ясалади. Ясалади, деб айтдик-қўйдик, аслида бу кўп йиллар давом этадиган жараён.

Тор ясайдиган ҳунарманд уста кўп йиллик тут ёки ўрик дарахтининг соғлом қисмини кесиб олиб, пўстлогини арчимасдан сув тўла ҳовузга ташлаб қўяди. Бу дарахт танасида мавжуд озроқ ҳаво чиқиб кетиши учун қилинади. Пўстлогини арчилмаган дарахт танасига тобланиш вақтида ёриқ тушмайди.

Оғоч ҳовузга бир неча йил ташлаб қўйилади. Сўнг ҳовуздан олиниб ерга кўмилади ва устига ертанди қурилади. Тандирда камида етти йил нон ёпилади.

Шундан кейингина маромига етиб

*Шохо болталонор даста вўлмоқа,
Йўрпоқлар курта ем тор бўламиз даб.
Надаган азоб-ла чакдик сан билан
Иккимиз ўлунча ёр бўломиз даб.*


Ҳозирда Хоразмнинг кўпчилик хонадонларида деворга осилғи турган торга кўзингиз тушиши мумкин (Бизнинг хонадонда бир эмас, учта тор бор). Аммо бу торларнинг аксарияти бир вақтлари қайсидир мусиқа чолғулари тайёрлайдиган фабрикада конвейер усулида ишлаб чиқарилган. Айнан ишлаб чиқарилган, ясалган эмас. Бугун концерт залларида куйлаётган ҳофизлар ёки ойнаи жаҳонда ҳар куни кўзимиз тушадиган кўшиқлар клипларида хонанда-лар қўлидаги торларнинг нечтаси “тандир тагида тобланган”, деган саволга жавоб олиш мушкул. Ҳатто ҳофизлар торларини макташда бир-биридан ўзишади ҳам. Бошқаларниқидан фарқларини учун тор дастасига тилло суви юритганлари, симларига зарҳал тус берганлари қанча.

Ташкилотда бу қарорни қабул қилган барча инсонларга миннатдорлик билдирмоқчиман”, дея “Truth Social” ижтимоий тармоғида пост қолдирди у.

“Reuters” агентлиги хабар беришича, АҚШ бозори учун машҳур газланган ичимликни тайёрлашда таркибида фруктоза микдори юқори бўлган маккажўхори сиропидан фойдаланилади. Шу билан бирга, айрим бошқа мамлакатларда компания ичимликларга қамиш шакари қўшади.

КЕСИЛГАН ДАРАХТ УЧУН 4 ЙИЛЛИК ҚАМОҚ

Англиянинг шимолий қисмида машҳур чинор дарахтини кесиб ташлаган икки эркак тўрт йилу уч ойдан қамоқ жазосига ҳукм қилинди.



“PA Media” ахборот агентлиги тарқатган хабарга қарамай, 39 ёшли Даниэл Грем ва 32 ёшли Адам Каррутерс май ойида дарахтнинг ўзига ва у қўлаб тушган Адриан деворига етказилган зиён бўйича иккита жиноятда айбдор деб топилди.

Айбдорларга сешанба куни Англиянинг шимоли-шарқидagi Ньюкасл Қиролик судида ҳукм ўқилди.

Мазкур дарахт Рим империяси томонидан қурилган Адриан деворида 200 йилдан ортиқ вақт давомида кад ростлаб турган эди. 2023 йил сентябрида эса у “атайлаб кесиб ташланди”. Ўша пайдаги расмийлар бу ҳаракатни “вандализм” деб баҳолашган.

Тўғри, хоразмлик ҳунармандлар орасида буюртма асосида тор ясайдиган усталар ҳалиям бор. Улар маҳорат билан ясаган торлар фабрика (ёки цех)ларда ишлаб чиқарилган чолғулардан сифати, жарангдорлиги, кўриниши, умрбоқийлиги борасида бир неча карра устун туради, аммо...

Бир гал машҳур ҳофиз Отажон Худойшукровдан қўлидаги торнинг нархини сўраганимда у киши қисқа жавоб қилган: “Бунинг баҳоси ўзим миниб юрган “Жигули”дан қимматроқ”.

Ўша вақтлари “Жигули” деган матоҳ ўн минг доллар атрофида турарди. Демак, Отажон оғанинг кўшиқчилик санъатида юксак мақомга кўтарилишида ўзининг улкан истеъдоди билан бир қаторда “тандир кўрган тор”нинг ҳам ўрни бекиёс бўлган.

Воҳанинг дилбар адаби, шоир, драматург ва тарихчи, раҳматли Комил Аваз санъатга ошно инсон эди. У киши торда мумтоз мусиқаларни маромига етказиб ижро қилар, яхшигина овози ҳам бор эди. Санъатга ихлоси улароқ узок йиллар Хоразм вилояти мусиқали драма ва комедия театрига раҳбарлик қилган.

Комил оға тандирда тобланган торнинг ясалиши ҳақида шундай гурунг берган эди: “Тор – ажиб мусиқий асбоб. Унинг куй яратадиган қисми, яъни чаноғи инсон бошига ва унга туташ юракка ўхшайди. Бош чаноғи деймиз-ку, ахир! Тандир тагида етти йил тобланган тутдан ўша чаноқ катталигидаги қисми кесиб олинади ва унинг ичи ғовак шаклида ўйилади. Хоразмда ёғоч ўймакорлиги кўп қадим илдишларга эга. Ёғоч ўймакорлар ясаган жилвакор устунлар, дарвоза қўблари асларки Хива обидаларини беэаб турибди. Аммо торнинг чаноғини ясашга ёғоч ўймакорлар ишлатадиган ускуналар оғизлик қилади. Ҳайкалтарош тош, мрамордан ҳайкал ясаганида ўткир чўкичдан фойдаланади. Торнинг бош чаноғи ичини ғовак ҳолатга келтиришда ҳам айнан ўткир чўкич ишга солинган. Тасаввур қиялписими, тут ёки ўрикнинг қаттиқлигини? Раҳматли отам Самандар бува хивалик тор ясовчи бир устанинг чаноқ ичини уйганини кўрганини айтиб берарди. “Қараб ўтирибман, уста чўкич билан ёғочга ҳар урганида гўё тошдан чиққанидек учкунлар чиқади”. Бунинг биз ҳозирда лоф деб биламиз. Аслида шундай бўлган. Айнан тош мисол қаттиқ чаноқ устига тортилган сигир ёки ҳўкизнинг юрак пардаси сеҳрли, мўъжизакор оҳанглар чиқара олган”.

Хоразмда сурнай чалиш бўйича мактаб яратган устоз санъаткор, иккинчи даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби Йўлдош сурнай Тожиев мўъжаз тор ясаб бора-сида қизик фикр билдирди: “Торнинг косаси (уни баъзан “торнинг қорни” ҳам дейишади) ва дастасини мевали дарахтдан яшас русм бўлган. Бўлмаса воҳада танаси қаттиқликда тут ёки ўрик билан беллашадиган



қорамон ёки гужум дарахтлари ҳам бор. Бунда ҳам рамзийлик акс этган: мевали дарахтдан ясалган тор уни қўлига ушлаган ҳофизга умри давомида қўллаб “мевалар” беради – кўшиқлар яратади-да!”

Дунё мусиқа тарихида италиялик Страдивари ясаган скрипкалар жуда машҳур саналади. Ҳар бири ноёб осори-атиқага айланган бу скрипкаларнинг нархи бир неча миллион АҚШ долларига баҳоланади. Ўша чолғуларни Страдивари айнан биздаги усталар каби йиллар давомида тоблаб, ҳар бирини санъат асари даражасига етказиб яратган. Ҳа, айнан яратган!

Замонавий технологиялар ривож топган ҳозирги даврда устомон ишбилармонлар ахли “вақтни қаритиш”нинг ҳадисини олишган. Ҳар қандай буюм, табиий ўсимликни кимёвий унсурлар ёрдамида дақиқалар ичида “ёшартириб” юборилади. Страдивари каби бир скрипка ясашга неча йил умрини зое қилиб ўтиришмайди. Аммо улар қадимги усталар ўн йиллаб умрини сарфлаб, сабр-тоқат билан яратган тор ва бошқа мусиқа чолғуларидан тараладиган оҳанг, ярададиган бетакрор мусиқа тотини бера олмайди.

Комилжон аканинг ўша машҳур тори ким-ошди савдосига қўйилса қанчага сотилади, деб ўйлайсиз? Камида етти рақамли сонларда ифодаладиган нархга қадади, сўзсиз! Сўмда эмас, албатта!


Мумтоз санъатимиз илдишлари қайдан озикланганини англагандирсиз?

Рўзимбой ҲАСАН

ЖАҲОН АЙВОНИДА

СУРИЯГА ҲУЖУМ

Исроил ҳарбийлари чоршанба куни Сурия мудофаа вазирлигининг Дамашқдаги биноси кириш қисмига зарба берилганини маълум қилди.



Бироз ўтиб, Исроилнинг яна бир зарбаси йўлланди – бу сафарги зарба Сурия пойтахтидаги президентлик саройи яқинига келиб тушган. Исроил раҳбарияти шу тарикли мамлакатдаги озчилик ҳисобланган дўзларни ҳукумат қўшинлари ҳужумларидан ҳимоя қилишга уринаётганини иддао қилган. Сурия соғлиқни сақлаш вазирлиги Дамашқ ўққа тутилиши оқибатида бир киши ҳалок бўлиб, яна 18 киши жароҳатланганини хабар берди.

“Reuters” агентлиги Исроил мудофаа вазирлигидаги манбага асосланиб, Дамашқдаги бинога камида иккита зарбдор дрон учиб келгани ва суриялик зобитлар ертўлага яширинишига тўғри келганини айтган.

Саудиянинг “Elekhbariya” давлат телеканали хабарига кўра, Исроил зарбаси оқибатида маҳаллий аҳоли вакилларида икки киши яраланган.

НАВБАТДАГИ ЧЕКЛОВ

Россияда мигрантларга чет элга пул юборишда чеклов жорий этилиши мумкин. Бу ҳақда “Газета.ru” хабар берди.



Давлат Думаси мигрантларнинг расмий даромадидан зиёд маблағни хорижга ўтказишни тақиқловчи қонун тайёрлашни тақлиф қилган.

Бу орқали ноқонуний даромадларни “оқлаш”, солиқдан қочиш ва капитални мамлакатдан чиқариб кетишнинг олди олиниши кўзда тутилмоқда.

СОСА-COLA ТАРКИБИ ЎЗГАРАДИ

Coca-Cola компанияси АҚШ бозори учун ўз ичимликларини ишлаб чиқаришда маккажўхори сиропини эмас, балки табиий қамиш шакаридан фойдаланишга ўтишга қарор қилди. Бу ҳақда президент Дональд Трамп хабар берди:



“Мен компания билан АҚШда Coca-Cola таркибида ҳақиқий қамиш шакаридан фойдаланишни бошлаш бўйича музокаралар олиб бордим ва улар бунга рози бўлишди.



ВАЗИР ИСТЕЪФОСИ

Куба меҳнат ва ижтимоий таъминот вазири Марта Элена Фейто Кабрера мамлакатда тиланчилар йўқ, фақат ўзини шундай кўрсатаётган одамлар бор, деган фикри учун истеъфогачи қилди.

Куба президенти маъмуриятнинг ижтимоий тармоқларда эълон қилган хабарига Фейто “сиёсий ва давлат бошқаруви марказида турган масалаларга ёндашишда ҳолислик ва сезгирлик етишмагани” сабабли “ўз хатоларини тан олганини ва истеъфого чиқишни сўраганини” маълум қилди.

Бу хабар Фейто Миллий Ассамблея кўмитасида депутатларга оролдаги қашшоқлик ҳақида фикр билдирганидан бир кун ўтиб эълон қилинди.

“Биз кўчада одамларни кўрдик, улар тиланчиларга ўхшайди, лекин уларнинг қўлларига ва кийимларига эътибор берсангиз, улар шунчаки тиланчига ўхшаб кийинган, холос. Улар аслида тиланчи эмас”, деди Фейто.

Фейто чиқинди тўпланадиган жойларни титкилаётганларга ҳам танқидий муносабат билдириб, уларни “қайта сотиш ва солиқ тўламаслик учун” материалларни йиғишда айблади.

Бу фикрлар жуда тез тарқалди. Оқибатда оғир иқтисодий шароитни бошдан кечираётган мамлакатда кенг миқёсдаги норозилик ва танқидлар тўлқинини келтириб чиқарди.



АЙБИН БИЛМАЙ КЕТГАН

ФУЗАЙЛ ШЕРАХМЕДОВ

Бошланиши 1-саҳифада.

Ўша йили Нажмиддин Шераҳмедов икки укаси – Насриддин ва Фузайл ҳамда синглиси Саидани Германияга ўқишга юборади. Бир оиладан уч нафар фарзанднинг бир вақтда чет элда таҳсил олиши Шераҳмедовлар хонадонига таълимга, илму маърифатга жиддий ёндашилганини кўрсатади. Шу тарихи, қаҳрамонимиз Тошкентда шакллантирилган 16 кишилиқ гуруҳ билан бирга Берлинга етиб боради.

Насриддин, Фузайл, Саида ва уларнинг ҳамшираси Зуҳра Кашаева алоҳида хонадонга жойлашиб, хусусий муаллимлардан немис тилини ўрганади. Шундан сўнг Фузайл Шераҳмедов Германиянинг Штрейлиц шаҳридаги олий техника мактабининг йўл муҳандислиги факультетига ўқишга киради. 1926 йили ёзги таътилда Ватанга келади, бироқ унга Германияга қайтиб кетиши учун рухсат берилмади.

Фузайл ва Саидани иқтисодий қўллаб-қувватлаш йўллари ҳам тўсилади. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг биринчи раҳбарларидан бўлган Акмал Икромов Фузайлнинг тоғаси эди. Нажмиддин Шераҳмедов Мунаввар қори Абдурашидхон орқали Афғонистон консулхонаси ходими Ғулом Жайлоний билан боғланиб, ундан Саидага 50 сўм ва хат юборади. Нажмиддин синглисига *“Мамлакатда тўлиқ деспотизм, ўзбекларда умуман ҳокимият қолмади. Советлар ҳаммани кўрқитиб олди”*, деб ёзган эди.

Фузайл Шераҳмедов талабалик йилларида Штрейлицдан ташқари Берлин, Хайделберг шаҳарларида амалиёт ўтаб, Европанинг замонавий архитектураси, илмий ва техник ютуқлари билан яқиндан танишади. 1929 йил олий маълумот ҳақидаги дипломни қўлга киритгач, Тошкентга қайтиб келади.

Фузайл Германияда орттирган бор илм-тажрибасини Ўзбекистонда йўл қурилиши соҳасини ривожлантириш йўлида ишга солди. У Тошкент, Фарғона, Қўқон ва бошқа шаҳарлардаги йўл қури-



Суратда: чап тарафда Убайдулла Хўжаев, ўнгда Олимжон Идрисий, ўртада Шераҳмадбой уйида хизматда бўлган татар қизлар, олдинда ўтирганлар Насриддин, Саодатхоним ва Фузайл Шераҳмедовлар.

лиши идораларида бош муҳандис бўлиб ишлади.

1937 йил 10 сентябрда Ўш асосий йўли қурилиш идораси бўлим бошлиғи Фузайл Шераҳмедов ЎзССР ЖКнинг 60, 67-моддалари билан айбланади ва Германия жосуси сифатида қамоққа олиш ҳақида қарор чиқарилади. 1937 йил 13 сентябрь куни у Тошкент шаҳри, Зирабулоқ кўчаси, 42-уйда ҳибсга олинади. Муштирап онаси Рухсора Икромова, турмуш ўртоғи Шарифа Шераҳмедова, 2 ёшли Наимахон ва 5 ойлик Фавзияхон исмли фарзандлари унинг ортидан қон йиғлаб қолади.

1937 йил 22 сентябрь куни илк сў-

роқда Фузайл Шераҳмедов ўзига жосус ва аксилинқилобчи сифатида қўйилган айбловларни буткул рад этади. Бироқ ўта ваҳшиёна қийноқлардан сўнг (27, 29 сентябрь кунлари) қўлига тутилган барча қоғозларни имзолашга мажбур бўлади. Қизиғи, 1937 йил сентябрь санаси билан аллақачон машинкада тайёрланган қарорга кейинчалик Михайлянц томонидан алоҳида ручка билан “20” рақами тиракаб қўйилган. Бу эса Фузайл Шераҳмедовга нисбатан ҳақиқий қарор анча аввал, бутунлай бошқа одамлар томонидан чиқарилганлигини англатади.

1937 йил 20 октябрь кунги сўроқ якунида Фузайл Шераҳмедов тергов баённомасига “Барча аксилинқилобий фаолиятимни айтдим, менинг бошқа гапим йўқ! Қўшимча қилмайман!” деб имзо чекади. Шундан сўнг уни анча вақт безовта қилишмайди.

1938 йил 23 сентябрда у Штрейлицда бирга ўқиган Омонулла Насратулла билан, 1938 йил 29 сентябрда Саттор Жаббор билан, 1938 йил 3 октябрда Султон Маткул билан юзлаштирилади. Юзлаштириш қаттиқ руҳий босим ва жисмоний

қийноқлар остида олиб борилади. Аммо Фузайл бирор марта ўзининг айбдорлигини тан олмайди. 1937 йил 5 октябрда Фузайл Шераҳмедов ишига оид айблов баённомасини собиқ Иттифоқ генерал прокурори Вишинский номидан унинг ёрдамчиси имзолайди. Хужжатда Ф.Шераҳмедовга нисбатан “У 1926 йил Тоҳир Шокир томонидан “Озод Туркистон” аксилинқилобий ташкилотига тортилган, 1932 йил Абдуваҳҳоб Муродийнинг турмуш ўртоғи Марта орқали, 1933–1935 йиллари эса Саттор Жаббор орқали Гестапога жосуслик мақсадида материаллар юбориб турган”, деган бўхтонлар битилган эди.

1938 йил 9 октябрь куни бўлиб ўтган машъум “учлик” йиғини Фузайл Шераҳмедовни айбдор деб топиб, уни олий жазога ҳукм қилди. Ўзбекистонга не-не эзгу орзу ва умидлар билан қайтиб келган қаҳрамонимиз аслида 8 октябрда отиб ташланган эди.

Ўша пайтда Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 45-уйда яшаган Фузайл Шераҳмедовнинг онаси Рухсора Икромова ўғлининг ишини қайта кўришларини сўраб аввал СССР генерал прокурори, сўнг ЎзССР прокурори номига аризалар йўллади. Ниҳоят, бошқа қатагон қурбонлари қатори Фузайл Шераҳмедовнинг иши ҳам қайта кўриладиган бўлади.

1957 йил 25 августда сўроққа чақирилган Рухсора Икромова: *“Менинг етти фарзандим бўлиб, ўғилларим Исмоил, Фузайл, қизларим Зарифа, Шарифа, Марҳума, Ҳақима, Рухима эди. Бугун Зарифа ва Шарифадан бошқа барчалари дунёдан ўтиб кетган. Чет элдаги Саида Шераҳмедова турмуш ўртоғим Исроил Шераҳмедовнинг акаси Ҳожиҳмад Шераҳмедовнинг қизи бўлади. Ҳозирда бизнинг Саида билан умуман алоқамиз йўқ”*, дейди.

Фузайл Шераҳмедов 1958 йил 27 мартда СССР Олий суди томонидан оқланди. Бироқ бу кунларга унинг икки қизи етиб келмади. Улар гўдаклигида оналари билан уйсиз сарсон-саргардон юрган вақтларидаёқ касалликка чалиниб вафот этган эди...

Фузайл Шераҳмедовнинг айбсизлигини тан олишди, аммо ундан тортиб олинган мол-мулклар қайтарилмади. Фузайлнинг ҳамон уйсиз юрган беваси Шарифа Шераҳмедова 1971 йил 13 октябрда уй сўраб ҳукуматга мурожаат этади. Аммо уй олиш насиб этмай, омонатини топширади.

Баҳром ИРЗАЕВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми.

Бошланиши ўтган сонларда).

Камол Шерматов – 1896 йили туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. 1932 йили “қулоқ”қа тортилган. Аксилинқилобий ҳаракатда айбланиб, 1937 йил 26 ноябрда ҳибсга олинади. Қамоққа олингунга қадар Киров номидаги колхоз раиси ўринбосари бўлиб ишлаган эди. Тергов давомида унга турли бўхтон ва сохта айбловлар тиркашади. Оқибатда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги “учлик” қарорига биноан мол-мулки мусодара этилиб, ўзи эса отувга ҳукм этилади... Орадан йиллар ўтиб, яъни 1956 йил 29 сентябрда Камол Шерматов реабилитация қилинган.

Ҳамид ҳожи Ашурматов – 1894 йили Фарғона шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси. 1937 йил 26 августда ҳибсга олинган. 1937 йил 27 ноябрда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги “учлик” томонидан ўн йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Ҳибсга олингунга қадар Маяк тайёрлов пунктида мудир бўлиб хизмат қилган. Андижон область судининг 1956 йил 29 сентябрдаги қарори билан Ҳамид ҳожи Ашурматов реабилитация қилинган.

Латип Махсум Қозиев – 1883 йили Андижон шаҳрида таваллуд топган. “Шўрои Ислоҳ” ҳамда “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотларининг аъзоси бўлган. 1937 йил 3 августда ҳибсга олинган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги “Учлик” 1937 йил 27 ноябрда уни ўн йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилади. Жазо муддати 1937 йилдан бошлаб ҳисобланган. У 1956 йил 29 сентябрда реабилитация қилинган.

Тўйчи Аминов – 1881 йили Андижон шаҳрида дунёга келган. Парпи кўрбошининг босмачилик ҳаракатида фаол саркор ва элликбоши бўлган. Шунингдек, у “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси ҳам эди. 1937 йил 21 ноябрда уни ҳибсга олишиб, отувга ҳукм эттишди.

СССР прокуратураси 1989 йил 6 июнда муқаддам “учлик” томонидан чиқарилган ҳукми асоссиз деб топади ва Тўйчи Аминовни реабилитация қилади.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,
музей илмий ходимаси

(Давоми келгуси сонда).

ЯНГИ НАШР

“Матбуот тарихи – уйғониш даври тарихининг бир бўлагидир”, деб ёзган эди атоқли жаҳид бобомиз Ҳожи Муин. Шу вақтгача “Бизнинг узоқ ва бой тарихга эга журналистикамиз бор”, дея бот-бот такрорлаб келинди. Аммо бу мерос асосан тор доирага таниш бўлиб, унинг ҳақиқий қўламини кўрсатиб берадиган, омма кўз олдида гавдалантирадиган лойиҳага қўл урилмаганди.

Президентимизнинг “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳада туб бурилиш ясади. Айнан ушбу тарихий ҳужжатда “Ўзбек журналистикаси антологияси” китобини нашрга тайёрлаш, бунинг учун зарур маблағ ажратиш масаласи белгиланди. Натихада, миллий журналистикамизнинг шонли тарихини кўрсатувчи “ойина” яратилди. Ҳўш, бу ойина ўзида нималарни акс эттиради?

Яқинда нашрдан чиққан икки жилдли “Ўзбек журналистикаси антологияси” куйидаги бўлимлардан иборат: “Қадимги давр журналистикасидан лавҳалар”, “Миллий журналистика шаклланиши ва тақомиланинг асоси (урта асрлар)”, “Жаҳид



журналистикаси (XIX аср охири – XX аср бошлари)”, “Иккинчи жаҳон уруши даври журналистикаси”, “Турғунлик даври журналистикаси: мураккаб сиёсий жараён ва матбуотдаги эврилишлар”, “Қайта қуриш ва ошқоралик даври журналистикаси”, “Мустақиллик даври ўзбек матбуоти”, “Ўзбекистон фотожурналистикасидан лавҳалар”, “Мустақиллик йиллари телевидениеси ва радиоси”, “Ўзбекистон интернет журналистикаси”.

Мажмуа милoddan avvalgi V–IV



асрдан то бугунги кунгача бўлган икки ярим минг йиллик давр давомида яратилган журналистик материалларни ўз ичига олади.

185 нафар муаллифнинг 200 дан ортиқ ижод маҳсулини тўплаш ва нашрга тайёрлашда Ҳалим Саидов, Акбар Нурматов, Карим Бахриев, Назира Тошпўлатова, Нурбой Жабборов ҳамда яна ўн нафар фидойи олим ва журналист жонбозлик кўрсатган. Ижодий гуруҳга Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод

МАРЖОН ИПГА ТИЗИЛСА ГЎЗАЛ

Салимов раҳбарлик қилган. Шунингдек, таҳрир хайъатида Абдусайд Кўчимов, Аҳмаджон Мелибоев, Хуршид Дўстмуҳаммад каби катта устозларнинг борлиги антологиянинг нечоғлиқ аҳамият касб этишидан дарак беради.

Ҳар иккала жилд “Ўзбекистон” нашриётида тайёрланиб, минг нусхадан, сифатли ҳолда чоп этилган.

Ушбу хайрли ва масъулиятли иш Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллиги шукўҳи кезиб юрган кунларда амалга оширилгани ҳам бежиз эмас. “Ўзбек миллий матбуотининг бошланиш даври жаҳидлик ҳаракати билан чамбарчас боғлиқдир”, деб ёзади профессор Ҳалим Саидов “Жаҳид журналистикаси” бўлимига кириш қисмида. Жаҳид матбуотини эса Мунаввар қори ва Исмоил Обидийнинг “Тараққий” газетаси, Бехбудийнинг “Ойина” журнали ва бошқа нашрларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Журналистикамиз тарихини “Миллатни ким ислоҳ этар?” (Ибрат), “Таърих ва журофия” (Бехбудий), “Бизни жаҳолат – жаҳли мураккаб” (Мунаввар қори), “Ким нимани яхши кўради?” (Авлоний), “Биз ким ва нималардан кўрқамиз?” (Қодирий) каби бебаҳо

мақолапарсиз ёзишнинг иложи бормикан?! Турли манбаларда сочилиб ётган ана шундай долзарб материаллар бир муқова остига жамлангани билан антология қадрли ва қимматлидир. Халқ дейдики, маржон гўзал, ипга тизса янада гўзал.

Ҳамкасб сифатида “Jadid”чиларни қувонтирган жиҳат ҳам бор: тахририятимизнинг Адабиёт ва санъат бўлими мудир Гулчехра Умарованинг мақоласи ҳам антологиядан жой олган. Ҳавас қилдик... Аммо бошқалар “рўйхатларда йўқ эди номим” дея хафа бўлишга, “ижодимиз ўзбек журналистикаси тарихидан жой олишга номуносиб экан-да”, деган ўйларга берилишга ошиқмасинлар. Чунки китоб сўзбошисиде таъкидланишича, бу борадаги ишлар давом эттирилиб, антологиянинг III ва IV жилдларини ҳам нашрга тайёрлаш ва чоп эттириш режалаштирилган. Демак, камчиликлар ўрни тўлдирилиб, I–II жилдларга кирмай қолган фидойи журналистларнинг сара ижод намуналари, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар ўрин оладиган янги китоблар дунёга келади.

Отабек БАКИРОВ



ИЖОДХОНА

СУКУНАТДА “СЎЗЛАЙДИГАН” САНЪАТ

Санъатнинг турлари кўп. Инсоннинг улар орасидан ўзига кераклисини топиб олиши ҳам бир санъат. Менинг ҳайкалтарошлик йўналишида ижод қилишим бевосита рассомлик, ранг-тасвир билан боғлиқ. Ҳар бир ҳайкал муайян бир тарих, дунёқараш ва руҳият ҳақида сўзловчи бадий ҳужжатдир. Кўпчилик, айниқса сайёҳлар ҳайкаллар пойида суратга тушишни, уларнинг маҳобати олдида завқ ва ҳайрат туйишни хуш кўради. Бу табиий, чунки ҳайкаллар инсонни ўзига оҳанрабодек тортиб турадиган маданий қутб нуқталарига айланган. Бироқ барча ҳам ана шу ҳайкал яратилиши замиридаги ижодий машаққат, изланиш ва ҳатто йиллаб давом этган бадий курашлар ҳақида уйлаб кўрмайди. Ғоят мураккаб, кенг қамровли соҳа бу.

МАДАНИЙ ҚУТБ НУҚТАЛАРИ

Ҳайкал — сукут ичра сўзлайдиган тимсол, жуда катта фикр, ҳиссиёт ва меҳнат яширинган образ. Ҳар қандай ҳайкал уни ясаган санъаткорнинг дунёқараш, ҳаёт ҳақидаги ўйлари, ҳатто тажрибалари билан боғлиқ маълумотларни ҳам ўзида акс эттиради. Гарчи у бир одам ёки бир жамоа меҳнати билан яратилса-да, бутун жамият номидан “гапириши” мумкин.

Тарихдан маълум, цезарлар, фиръавнлар, императорларнинг ҳайкаллари нафақат санъат асар, балки ўзига хос тарғибот воситаси вазифасини ҳам бажарган. Одамлар бундай ҳайкаллар воситасида давлатнинг кучини, ҳукмдорнинг улуғворлигини, айрим ҳолларда, ҳатто илоҳийлигини ҳам ҳис қилишган.

Ҳайкалтарошлик шунчаки тош ёки металлга ишлов бериш билан чегараланмайдиган. У инсоният цивилизациясининг шакл орқали ифодаланган тарихидир. Ҳайкалтарошлик тарихининг аниқ бошланиш даври номаълум, лекин айтишларича, у тош даврига бориб тақалади. Энг қадимги ҳайкалсимоном тимсоллар сифатида Берекхат Рам Венераси ва Тан-Тан Венераси деб аталувчи икки тош объект тилга олинади. Уларда инсон томонидан шакл беришга уриниш борлиги кузатилади, бу эса бадий англашувнинг илк босқичларидан далолат беради.

Ҳайкаллар орқали тарихий шахсларни эслатиб туриш, ёш авлодга улар ҳақида гапириш жуда муҳим. Менимча, бугунги кунда ёшларнинг кўпчилиги санъатга қизиқади, лекин ҳайкалтарошликни танлашга келганда бироз чўчийди. Чунки бу соҳада нафақат билим, балки ўз устида узоқ йиллик изланиш, ҳис қилиш қобилиятини ривожлантириш керак бўлади. Ҳайкалтарошлик ўрганиладиган ҳунар эмас, ўзлаштириладиган тафаккур туридир. Бу соҳага киришиш учун фақатгина кўникманинг ўзи етарли бўлмайди, инсоннинг дунёқараш, ҳиссий идрок ва интилиши ҳам бирдек муҳим. Шакл ясашни ўргатиш мумкин, лекин образ яратиш қобилияти тажриба, мулоҳаза ва ҳаётни кузатиш орқали шаклланади. Шу боис, ҳайкалтарошлик ижодкорнинг шахс сифатида етилишига хизмат қилувчи жараён ҳамдир.

ОБРАЗ ҚАНДАЙ ЯРАЛАДИ?

Ҳайкалтарошликка жиддий ёндашиш учун тасвирий санъат ва инсон анатомиясини яхши билиш шарт. Аммо шунинг ўзи билан чекланиб ҳам бўл-



Иқтидорли ёш ҳайкалтарош ва рассом Артур РАЖАБОВ Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтини тамомлаган. Шу кунга қадар республика миқёсидаги кўплаб танловларда қатнашиб, уларнинг етти тасида ғолибликни қўлга киритган.

майд. Чунки образ нафақат шакл, балки маъно орқали ҳам “гапиради”. Шунинг учун ҳайкалтарошнинг шаклланишида бадий адабиётнинг ўрнини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Чунки адабиёт санъаткорга инсон тафаккури, унинг туйғуси ва ички зиддиятларини тушунишида ёрдам беради, кўнглидаги кечинма ва туйғуларни шаклга айлантиришига йўл очади. Ахир, бадий образ маънавий мазмунга ҳам эга бўлиши керак-да.

Бу соҳада архитектура ҳам муҳим. Негаки, ҳайкал жойсиз, муҳитсиз мавжуд бўлолмайди. Санъаткор, аввало, шакл ва атроф-муҳит ўртасидаги мувозанатни англаши керак бўлади. Баъзида ҳай-



калнинг ўзидан ҳам кўра, уни қандай жойга, қайси бурчакка қўйиш муҳимроқ вазифага айланади.

Қолаверса, ҳар қандай ҳайкал бевосита ўтмиш билан алоқадорликда яратилади. Шунинг учун тарихий билим зарур. Ҳайкал ёдгорликка айланиши учун у шахс, давр, ғоя билан боғлиқ бўлиши шарт. Мен иш бошлашдан аввал ким ҳақида асар яратяпман, у қайси муҳитда яшаган, жамиятга қандай таъсир кўрсатган, деган бир қатор муҳим саволларга жавоб топиш учун анча-мунча маълумотларни ўрганаман. Бу эса бўлажак образга қандай мазмун юклашимни белгилаб беради.

Кўп ҳолларда санъат муҳлислари “образ қандай яралади?” деб қизиқишади. Жавобим оддий:

кузатувдан. Дейлик, театр ва кинодан кўп нарса оламан. Бу икки соҳа, айниқса театрни назарий ва амалий кузатиш майдони сифатида қабул қиламан. Ҳаракатлардан ва ҳатто, сукутдан ҳам нимадир ўрганаман. Чунки ҳайкал ўз-ўзича “тилга кирмайди”, сукутда сўзлайди. Ўша жимликка маъно-мазмун бағишлаш энг қийин вазифа саналади.

МУҲИТ БИЛАН УЙҒУНЛИК

Ҳайкалтарошлик узоқ асрлик анъана ва тажрибаларга эга бўлган мураккаб санъат туридир. Турли мамлакатларда турли ҳайкалтарошлик мактаблари шакллانган. Ҳар бирида шакл, композиция, материал билан ишлаш услуби ва ғоявий қарашлар ўзгача.

Шахсан мен ўз ижодимда ўзбек ҳайкалтарошлик мактабига таянаман. Хусусан, таниқли ҳайкалтарош, раҳматли Равшан Миртожиев асарлари орқали ўзимга йўл топанман, нимани қандай қўриш ва қандай ҳис этиш кераклигини у кишининг асарларидан англаганман. Тўғри, бу санъаткор билан шахсан учрашиш менга насиб этмади, бироқ айнан у кишининг шогирди Жасванд Анназаров ўн йилдан буюн менга устозлик қилиб келмоқда.

Айни пайтда ижод жараёнига янада тўлиқроқ, тизимли ёндашишни ўрганапман. Масалан, устозим таъкидлаганидек, ҳайкалтарошлик ишларини шартли равишда уч йўналишга бўлиш мумкин. Биринчиси — давлат буюртмалари. Бу ерда тарихий аниқлик, жамоатчилик учун бирдай тушунарли бўлган образга алоҳида урғу қаратилади. Иккинчиси — шахсий ижод. Бунда эркинлик кўпроқ, янги ечимлар, экспрессив ёндашувлар учун имконият кенг. Учинчиси — оммавий композициялар. Бу турдаги ҳайкаллар одатда, боғлар, майдонлар, истироҳат масканлари каби жамоат жойларида ўрнатилади. Шунинг учун ҳам улар кўримли бўлиши, атроф-муҳит билан уйғунлашиб, одамларга кучли таъсир ўтказиши, шу билан бирга ғоявий юкчаси кўп бўлмаслиги, осон қабул қилиниши керак.

Маҳобатли ҳайкалларнинг ўзи алоҳида мавзу. Бундай ҳайкалга ҳеч қачон атроф-муҳитдан айро қаралмайди. У қаерда жойлашади, майдоннинг ўлчами, атрофдаги бинолар, ҳатто одамлар қайси томондан келиб, қандай бурчакдан кўриши мумкинлигига ҳисобга олинади. Борди-ю, майдон тор бўлса, ҳайкал “сиқилиб” қолади. Аксинча, майдон катта,

ҳайкал кичик бўлса, у кўринмай қолиши мумкин. Хуллас, ёдгорлик билан муҳит бир-бирига ҳалақит қилмаслиги, аксинча, бир-бирини тўлдириши зарур.

“САНЪАТИМИЗНИ ДУНЁГА КЕНГРОҚ ТАНИТАЙЛИК”

Охириги икки йилда ҳайкалтарошлик соҳасида ҳам технологиялар таъсири яққол сезилияпти. Илгарилари ҳайкалнинг дастлабки эскизларини тайёрлаш, ғояни шаклга тушириш учун соатлаб, кунлаб, баъзан ҳафталаб вақт сарфлардик. Ҳозир эса рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва 3D моделлаштириш дастурлари бу жараённи анча тезлаштирган. Илгари қўлда чизиладиган деталлар, макетлар энди компьютерда қисқа муддатда тайёрланипти.

Бунинг вақт тежашдан ташқари бир қатор афзалликлари бор: эскиз тайёрлаш жараёнида вариантлар кўпаяди; визуал таҳлил осонлашади; материал қандай кўринишда чиқиши, нур қайси томондан тушиши — барчасини олдиндан қўриш мумкин. Ма-



салан, “ZBrush”, “Blender”, “Maya” каби дастурлар орқали бир ғояни турли услубларда реаллаштириб, уларни таққослаш имкони бор. Бу, албатта, ижодий жараённи янада самарали қилади.

Эслиман, талабалик пайтларимда маълумот тўплаш учун кутубхоналарда кунлаб ўтирардик, баъзи керакли китобларни ойнаб кутган пайтларимиз бўлган. Ҳозирги кунда тенгдошларим, ёш ҳайкалтарошлар интернетда керакли маълумотларни зумда топиш, суратлар, ҳужжатлар ва ҳатто тарихий шахсларнинг 3D реконструкцияларини кўриб чиқиш имкониятига эга. Бу жуда катта қўлайлик.

Бироқ технология бир восита, холос. Ҳар қандай замонавий дастур ҳам ғоя бўлсагина ишлайди. Сизда фикр бўлмаса, техниканинг ўзи ижод қилмайди. Компьютер шаклни ясаб беради, аммо шакл ортидаги маънони қалбдан ҳис қилиш ҳамиша инсоннинг ўзида қолади.

Ҳайкал — сўзсиз мулоқот воситаси, унда туйғу, хотира, фалсафа мужассам. Мен миллий ҳайкалтарошлик санъатимизни дунёга кенгроқ танитишни ўзим учун энг муҳим масалалардан бири деб ҳисоблайман. Биз мазмундор, маънавий юксак санъат асарлари орқали Ўзбекистоннинг маданий салоҳиятини жаҳонга кенгроқ танитиш йўлида тинимсиз изланишимиз керак.

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА
эзиб олди.

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?



ОШГАМИ,
ИШГАМИ?

“Агар ўзбеклар бошқа ишларга ҳам ошга келгандек бирлашиб йиғила олганларида эди, дунёда бундан қўдратли миллат бўлмас эди”.

Алихонтўра Соғунийнинг бу гапини илк бор ўқиганимда, ҳайрон бўлгандим: нега айнан ош? Нега бошқа бир ўхшатиш эмас?

Аммо бу сўзларнинг нақадар чуқур маъно аңлатишини ҳаётимда ўз кўзим билан кўрдим.

Бир маҳалладошимизнинг наҳорчи ошига бордик. Тонги соат олтида бошланадиган ошга биз беш яримда етиб борганмиз. Аммо тўйхонада деярли бўш жой қолмаган эди. Келганларнинг 95 фоизи — ўзимизнинг маҳалла аҳли. Бир-бирига меҳрибон, эътиборли ва аҳил одамларни кўриб, оқибатимизга кўз тегмасин, деб қўйдим.

Аммо... айнан шу кун, оқшом соат бешда маҳаллада умумий йиғилиш бўлиши керак эди. Муҳокама қилинадиган асосий мавзу: уч миллиард сўмлик муаммонинг ечимини. Минг

афсуски, ўша йиғилишга бор-йўғи 30 нафар одам келди...

Ошга борилмасин, демайман. Лекин шундай оғизбирчиликни, уюшқоқликни жамият учун долзарб бўлган масалалар муҳокамасида ҳам кўришни истайман.

Ош есак, 3-4 соат ичида яна қорнимиз очади. Аммо бир муаммони бирга ҳал қилсак, у бутун маҳалла учун, фарзандларимиз учун фойда келтиради-ку!

Бугун бормиз, эртага — йўқ. Бугун бизнинг овозимиз, фикримиз муҳим экан, унумли фойдаланайлик. Эртага чиқарилган қарорларга эътироз билдиргандан кўра, бугун ўз қарашимиз билан ишнинг силжишига ҳисса қўшайлик.

Мақсадимиз аниқ: юрт тинчлиги, одамлар розилиги, ўғил-қизларимиз камоли. Келинг, хайрли ишларда ҳам худди ошдагидек бирлашиб, ҳаракат қилайлик!

Зохиджон ҒАФФОРОВ,
Оҳангарон тумани “Илғор” маҳалласи
раиси
Телеграм

ТАНЛОВ

“ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!”



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Ватанимиз мустақиллигининг
34 йиллигига бағишлаб энг
яхши насрий, шеърий ва бадий
публицистик асарларнинг анъанавий
“ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!”

Республика танловини
эълон қилади.

Танловга 2024 йилнинг 10 августидан 2025 йилнинг 10 августига қадар республика миқёсидаги вақтلى матбуот ва адабий нашрларда эълон қилинган ёки китоб ҳолида чоп этилган бадий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърий йўналишдаги асарлар тақдим этилиши мумкин. Уларда “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган, халққимизнинг миллий манфаатларини таъминлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсат борасидаги туб ўзгаришлар, инсон қадрли олий мезон бўлган янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қўлга киритилган зафарлар, мард ва матонатли халққимизнинг фидокорона меҳнати, ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳияти, буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, Ватанимизнинг миллий истиқлоли, халққимиз озодлиги учун курашиб, шу йўлда жон фидо этган, мустабид тузум даврида сиёсий қатғон қурбони бўлган ота-боболаримизнинг иб-

ратли ҳаёти, китоб мутолааси ва китобхонлик маданияти тарғиботи каби эзгу ғоялар ҳаётий мисоллар, теран фикр-мулоҳазалар билан тарафдор этилиши лозим.

Танлов иштирокчилари ўз ижодий ишларини (паспорт ёки ID-карта нусхаси, манзил ва боғланиш телефон рақамларини илова қилган ҳолда) Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси манзилига юборишлари керак.

Юборилган ижодий ишлар 2025 йилнинг 15 августига қадар қабул қилинади ҳамда танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 34 йиллиги байрами арафасида диплом ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланади.

Қўшимча маълумот олиш учун телефон:
(71) 231-83-67.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ,
АЗИЗ ИЖОДКОРЛАР!

Jadid
adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy fahrlilik gazeti

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:
Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Дилмурод Дўстбеков

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади — 19 175

Шундан:

Кирилл ёзувида — 7 497

Латин ёзувида — 11 678

Медиа кузатувчилар — 78 635

Буюртма: Г — 739

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи — 222.

Ташкилотлар учун — 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навобий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 19:30

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz